БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

14 ИЮЛ ЧИҚИШИ

№ 166 (3648).

23 АВГУСТ ЧОРШАНБА

1967 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.



КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ИЖТИМОИЙ ФАНЛАРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УЛАРНИНГ КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШДАГИ РОЛИНИ ОШИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети партия XXIII съезди қўйган вазифаларга амал қилиб, «Ижтимоий фанларни янада ривожлантириш ва уларнинг коммунистик қурилишдаги ролини ошириш чоралари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда таъкидланадики, СССРдаги коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичи, меҳнаткашлар жуда кенг оммасининг актив ижтимоий фаолиятга жалб этилиши, бизнинг давримизда капитализмдан социализмга ўтилаётганлиги, халқларнинг қудратли миллий озодлик ҳаракати, амалга оширилаётган илмий техника революцияси, идеология кескин кураши ва жаҳон тараққиётининг бошқа жараёнлари доимо атрофлича анализ қилишни ва марксизм-ленинизм позициясида туриб назарий умумлаштиришни талаб қилади. Шундай шароитда марксизм-ленинизм назариясининг аҳамияти тағин ҳам кўпроқ ортади, ижтимоий фанларнинг роли ошади.

Марксизм-ленинизм — социалистик жамият тараққиётига раҳбарлик қилишнинг асоси, дунёни билиш ва уни революцион тарзда ўзгартиришнинг қудратли қуролидир. Назария амалиётга йўл очиб беради, ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида партия сиёсатини белгилашга илмий ёндошишни таъминлайди.

Буюк интернационал таълимот бўлмиш марксизм-ленинизм халқаро коммунистик ҳаракат ва унинг бирлигининг ғоявий асосидир. Марксизм-ленинизмга амал қилинган тақдирдагина жаҳондаги воқеаларнинг бориши ва ҳозирги босқичдаги революцион ҳаракат ўртага қўйётган назарий ва амалий проблемаларни тўғри ҳал этиш мумкин. Социалистик мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, социализмнинг капитализм устидан галабасини таъминлашнинг энг самарали йўллари ва воситаларини белгилаб олиш манфаатлари йўлида назария соҳасидаги ижодий ишни кучайтириш зарур. Буржуазия идеологиясига қарши, ҳозирги замон антикоммунизмига қарши, ўнг ва «сўл» ревизионизмга қарши, жаҳондаги кенг меҳнаткашлар оммасининг онги ва дилига йўл топишда муваффақиятли курашмоқ учун назарияни ривожлантириш лозим.

Партиямизнинг бутун тарихий тажрибаси, совет халқининг Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейинги ярим аср мобайнида қилган қаҳрамонона ишлари революцион назариянинг қудратли кучи борлигини тасдиқлайди. КПСС оғишмай ҳамиша марксизм-ленинизмга содиқ бўлиб келганлиги ва содиқ бўлиб қолаётганлигидан, марксизм-ленинизм душманларига қарши мурosасиз кураш олиб бораётганлигидан далолат беради. Партия В. И. Ленининг: «Илғор назария билан қуролланган партиягина илғор курашчи ролини бажара олади» деган васиятига доимо амал қилиб келмоқда.

КПСС ўзининг назарий ва амалий фаолиятида ўтмишнинг революцион тажрибаси билан янги проблемаларни ижодий тарзда қўйиш ва ҳал қилишда давомийликни уйғунлаштириб олиб боришдан иборат ленинча принципга ҳамиша риоя қилиб келмоқда, назарияни ишлаб чиқиш тўғрисида, марксизм-ленинизм таълимотининг барча таркибий қисмларини — философия, сиёсий иқтисод ва илмий коммунизмни ривожлантириб бориш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилмоқда. Жуда катта амалий тажрибани умумлаштириш негизида партия социалистик революция, пролетариат диктатураси ва социализм қуриш тўғрисидаги марксизм таълимотини ривожлантирди ва бойитди, мамлакатни индустрлаштириш, кишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, маданий революция, совет демократиясини, социалистик миллатларни ва кўп миллатли Совет давлатини ривожлантиришнинг назарий масалаларини ишлаб чиқди, социалистик жамиятни ривожлантиришнинг асосий қонуниятларини ва ҳаракатлантирувчи кучларини кўрсатиб берди, социализмнинг аста-секин коммунизмга ўсиб ўтишидаги асосий вазифалар ва шарт-шароитларни белгилаб берди.

КПСС бошқа марксчи-ленинчи партиялар билан биргаликда ҳозирги даврнинг характерини, жаҳон революцион жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучлари ва истиқболларини таърифлашга, халқаро коммунистик, ишчилар ва миллий озодлик ҳаракатининг стратегияси билан тактикасини, социалистик давлатлар ўзаро муносабатларининг илмий принципларини ишлаб чиқишга, ҳозирги шароитда турли мамлакатлар ва халқларнинг социализмга ўтиш йўлларини белгилаб беришга ўз ҳиссасини қўшди.

Марксизм-ленинизм назариясини ижодий ривожлантиришни партия ўзининг энг муҳим вазифаси деб, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш, ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш, совет халқининг маънавий маданиятини бойитиш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳаларида КПСС программасида қўйилган вазифаларни бажаришнинг зарур шарти деб билади. Амалия билан боғланган назарий иш ишлаб чиқарувчи кучларни юксак суръатлар билан ривожлантиришни, социалистик тузум афзалликларидан, табиий бойликлардан, фан ва техника муваффақиятларидан коммунизм қуриш манфаатлари йўлида энг тўлиқ ва рационал фойдаланишни таъминлаш лозим.

Партия тарбиялаб вояга етказган философлар, экономистлар, тарихчилар, бошқа ижтимоий фанлар вакилларининг юқори малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлари КПССнинг назарий фаолиятида, меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий тарбиялаш савиясини оширишда, марксизм-ленинизмни пропаганда қилишда жуда катта роль ўйнамоқдалар. Олимлар, пропагандистлар, идеология соҳасидаги барча кадрларнинг актив иштироки билан партия Маркс—Энгельс—Ленининг ғоявий меросини чуқур ўзлаштириш юзасидан анчагина иш қилди. К. Маркс билан Ф. Энгельс асарларининг иккинчи нашри, В. И. Ленин асарларининг тўлиқ тўплами босиб чиқарилганлиги ғоят зўр аҳамиятга эга. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тарихининг кўп томли илмий нашрини чиқаришга биринчи бор киришилди. СССР Фанлар академиясн ва иттифоқдош республикалар Фанлар академияларининг институтлари, бошқа илмий муассасалар ва олий ўқув юртларидаги кафедралар философия, экономика ва ҳуқуқ масалалари соҳасида, ватан тарихи ва жаҳон тарихи соҳасида бир қанча чуқур тадқиқотларни тайёрлаб, нашр этдилар. Олимларнинг ҳозирги замондаги актуал проблемаларни ишлаб чиқишга бўлган эътибори кучайди, халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этишда уларнинг роли ошди. Ижтимоий фанларнинг муваффақиятларини, бу фанларнинг социалистик ва коммунистик қурилишга кўшган ҳиссасини партия юксак қадрлайди.

Шахсга сиғиниш, субъективизм ва волюнтаризм оқибатларини бартараф этиш юзасидан партия ўтказган тадбирлар ижтимоий фанларни ривожлантиришга ижобий таъсир қилди. КПСС Марказий Комитетининг 1964 йил Октябрь Пленуми ва КПСС XXIII съезди ҳозирги босқичдаги коммунизм қурилишида назария нақадар улкан аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб берди, жамиятнинг ривожига илмий асосда раҳбарлик қилиш зарурлигини таъкидлаб кўрсатди.

Кейинги йилларда ижтимоий фанларни ривожлантириш учун тағин ҳам қулай шароитлар яратиб берилди. Философия, экономика, тарих фанлари ва бошқа ижтимоий фанлар соҳасидаги тадқиқотчилик ишининг аҳволи ва

(Давоми иккинчи бетда)

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Кеча Тошкент область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда «Беш кунлик иш ҳафтасига ўтиш муносабати билан область меҳнаткашларнинг дам олишини уюштириш тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди. Бу ҳақда область партия комитетининг секретари Х. Р. Мусахонова доклад қилди.

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдураззоқов нутқ сўзлади.

Муҳокама қилинган масала юзасидан пленум қарор қабул қилди.

(Пленум иши ҳақидаги батафсил ҳисобот газетамизнинг навбатдаги сонида босилади).

Машина теримининг муваффақияти дефолиациянинг ўз муддатида ва сифатли ўтказилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари, механизаторларнинг ўзлари ғўза баргини тўктириш билан боғлиқ бўлган барча ишларни назорат остига олмоқлари зарур.

(Республиканинг илғор механизаторлари Мурожаатидан).

80 ПРОЦЕНТИ МАШИНАДА

Республикамиз илғор механизаторларининг Мурожаатида юбилей йили бир ярим миллион тонна «оқ олтин»ни «зангори кема»лар билан териб олишдек улкан ва жуда шарафли вазифа илгари сурилган. Бу Мурожаат бизни терим мавсумига яхшироқ тайёрланишга, «зангори кема»ларни моҳирлик билан бошқаришга, уни йиғим-теримга бекамкўст тайёрлаб қўйишга ундайди.

Бизнинг звено аъзолари ҳам юбилей йилида 40 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштириб, 120 тонналик хирмон кўтаришга аҳд қилганлар. Шундай яхши умид, катта тилак билан ерга чигит қадаганлар. Ҳар гектар ерда ҳосилдорликни икки центнер оширишга, 30 центнердан «оқ олтин» йиғиб олишга бел боғладилар. Бу пахта она-Ватанга, шонли юбилейга бизнинг армуғонимиздир.

Ҳозирги вазифа етиштирилган ҳосилни қисқа муддатда териб олишдан иборат. Маълумки, бултур звеномизда 60 процент ҳосил машина билан терилган эди. Бу йил эса звено аъзолари билан келишиб 80 процент ҳосилни машина билан териб олишга қарор қилдик. Шахсан ўзим ўтган йили 80 тонна пахта терган эдим. Бу йил илғор механизаторлар чақиригига қўшилиб бункерлардан 90 тонна пахта тўкмоқчиман. Колхозимиздаги бошқа звено бошлиқлари, механик-ҳайдовчилар ҳам теримга астойдил тайёрлик кўришмоқда. Абдулазиз Мадумаров, Жўра Турсунов, Нурхўжа Эшонов, Зокир Тўйчиев, Аҳмад Тошев сингари моҳир механик-ҳайдовчилар ҳам мавсумга пухта хозирлик кўрмоқдалар. Улар ўз агрегатларини тўла тахт қилиб қўйдилар.

Колхозимизда 17 та пахта териш машинаси бор. Шулардан 12-таси тўла ремонтдан чиқди. Қолган 5 та машина ҳам жадал ремонт қилинмоқда. Колхозимиз механизаторлари Мурожаатга жавобан 2500 тонна пахтани машина билан териб олишга астойдил бел боғладилар. Бизнинг звено аъзолари бу шарафли ишга ҳисса қўшиш, саксон процент ҳосилни сўзсиз териб олиш учун астойдил тайёрланмоқдалар.

Рамазон САЛОМАТОВ,
Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг механик-ҳайдовчиси.

МЎЛЖАЛ 35 ЦЕНТНЕР

— Ҳозиргача барча майдондаги ғўзаларимизни тўрт марта культивация қилиб, беш марта мириқтириб суғордик,—дейди Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, машҳур пахта устаси Тўхта Абдуллаева,—ўз вақтида озиқлантирдик, юбилей йилидаги ахдимиз она-Ватанга ҳар гектар ердан 35 центнердан «оқ олтин» дурдоналари тортиқ қилишдир.

Далаларни айландик. Тўхта опа участкасидаги ғўзалар бир текис ривожланмоқда. Вақтида сифатли берилган ишлов мана бугун ўз натижасини кўрсатаяпти. Гектарлар тўла, чеканка аллақачон тугалланган, ғўза туплари остида унинг озуғига шерик бўладиган бегона ўтдан ном-нишон йўқ. Ғўзалар эсиб турган енгил шабада денгиздек чайқалиб, ажойиб бир гўзал манзара намоён қилиб турибди.

Ғўзаларга ишлов бериш ҳали давом этаяпти. Механизатор Нажим Толипов ўзига ажратилган пайкалларни культивация қилишда, айниқса, маҳорат кўрсатиб ишлади. М. Худойберганова, Р. Умарова, М. Тоғаева, Н. Йўлдошева каби колхоз аъзоларининг қилган меҳнатлари эвазига ҳар туп ғўзадан 9—10 тадан тўқ кўсак, кўплаб шона ва гуллар ҳосил бўлди.

Ҳозир ғўза оралаб, уни суви-дан, озуғидан ҳабар олиб юрган миришкор пахтакорлар яқин кунларда «оқ олтин» хирмонини ғарамлаб юбилейга совға қилишга киришадилар.

Оржоникидзе район и д а г и «Правда» номли колхознинг пахтакорлари мамлакатимиз юбилейига мукосиб совға тайёрлаш йўлида меҳнат қилиб пайкалларда мўл ҳосил етиштиришди. Ҳар бир гектар ердан 35 центнердан хирмон кўтариш учун етарли ҳосилни бунёд этишди.

Ж. РАҲМАТОВ.

ТАНИШИНГ: Нажмиддин Шамсиддинов! Бу механизатор йигит Бекободдаги 1-«Далварзин» совхозида донг чиқарган пахтакорлардан бири. У бошлиқ звено юбилей йилида гектар бошига камида 27 центнердан «оқ олтин» кўтариш учун курашяпти. Нажмиддиннинг ўзи «зангори кема» билан звенода етиштирилган пахтанинг асосий қисмини териб олишга ахд қилган.

СВЕРДЛОВСК—ТОШКЕНТГА

Совет ҳокимиятининг шонли эллик йиллиги юбилейи шарафига кўплаб янги турар-жой биноларн ва бошқа объектлар барвақт қуриб фойдаланишга топширилмоқда. Свердловскликлар зилзиладан зарар кўрган тошкентликларга жами 10 минг квадрат метрга яқин турар-жой биноларини қуриб бердилар. Бу биколар Чилонзорнинг В-23 массивида қисқа муддат ичида бирин-кетин қад кўтарди. 280-дан ортиқ тошкентлик сила ана шу уйларда истиқомат қилмоқда.

— Ц—4 кварталидаги тўртта турар-жой биноси қурилиши ҳам жадал бормоқда, — дейди Свердловск қурилиш поездининг бошлиғи А. Диков, — шундан 1142 квадрат метр майдонни эгаллаган 2-уйни юбилейгача тошкентликларга туҳфа қилмоқчимиз.

Свердловскликлар бундан ташқари минг ўқувчига мўлжалланган мактаб, 280 ўринли болалар боғчаси ва иккита тўққиз қаватли бино қурилишига ҳам қизғин киришдилар.

А. КИМ.



ОРДЕН МУБОРАК!

Қўйлиқ ремонт-механика заводида катта тантана. Корхона коллективининг меҳнатдаги муваффақиятларини партия, Ватан юксак қадрлашди. Завод юбилей йилида Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Бундан 35 йил муқаддам кичик ремонт устахонаси базасида вужудга келган бу завод энди-ликда қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари орасида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлган йирик корхонага айланди. Қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилувчи мутахассисларнинг катта армияси вояга етди.

Ҳукуматнинг юксак мукофотига жавобан ремонтчи машинасозлар бир гайратга ўн гайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар. Ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, ремонт ишлари сифатини яхшилаш ва таннархни арзонлаштириш тадбирларини кўришяпти. Завод ҳозир тўла реконструкция қилинмоқда. Янги ишлаб чиқариш корпуслари қад кўтармоқда, замонавий ускуналар билан жиҳозланмоқда.

21 август куни завод клубига жуда кўп одам йиғилди. Ишчилар, инженер-техник ходимлар, меҳмонлар корхонага юксак ҳукумат мукофотини топширишга бағишланган тантаналн йиғилишга келишган эди.

Ҳамманинг гулдурос қарсаклари остида завод байроғи сахнага олиб чиқилади. Корхонанинг энг яхши ишчиларидан бири Надежда Ивановна Абросимова ва коммунистик меҳнат зарбдори Нурмат Раҳимов байроқ олдида фахрий қоровулликда туришди. Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари В. В. Окунский СССР Олий Совети Президиумининг фармонини ўқиб эшиттирди. Область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдураззоқов завод байрогига Меҳнат Қизил Байроқ орденини тақиб қўйди ва завод ишчиларини, инженер-техник ходимларини юксак мукофот билан қутлади, уларга меҳнатда катта муваффақиятлар тилади.

Ленин район партия комитетининг секретари Ш. Р. Хасанбоев, «Узсельхозтехника» бирлашмаси раиси И. В. Бабков, қишлоқ хўжалик ишчилари касаба союзи республика комитетининг раиси И. И. Муҳиддинов завод коллективини Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан самимий табриклашди.

Гидропресс цехи мастери И. В. Овтин, мотор цехи чархчиси В. И. Гольцева ва завод директори Р. Р. Сафаров коллектив меҳнатини юксак қадрлаганликлари учун партия ва ҳукуматга миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Суратда: ўртоқ М. А. Абдураззоқов завод байрогига Меҳнат Қизил Байроқ орденини тақмоқда.

А. Абалян фотолари.

ИЖТИМОИЙ ФАНЛАРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УЛАРНИНГ КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШДАГИ РОЛИНИ ОШИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда)

истиқболлари партия ташкилотларида ва олимларнинг коллективларида муҳокама қилинди. Илмий тадқиқотлар планларига жиддий ўзгаришлар киритилди. Олий ўқув юртлари учун ижтимоий фанлар соҳасида янги программалар ишлаб чиқилди, стабил ўқув қўлланмалари тайёрланмоқда. Сиёсий маориф системасини такомиллаштириш чоралари кўрилди.

Шу билан бирга, КПСС Марказий Комитети коммунистик қурилишнинг, ҳозирги дунёда олиб борилаётган идеология курашининг ўсиб бораётган вазифалари назарий тафаккурни янада ривожлантиришни, социал тараққиётни тағин ҳам чуқурроқ анализ қилишни, кадрларга марксизм-ленинизм таълимоти бериш савиясини янада оширишни талаб қилади, деб ҳисоблайди.

СССР Фанлар академияси, иттифоқдош республикалар Фанлар академияларининг гуманитар институтларида, бошқа илмий муассасаларда ва олий ўқув юртларининг ижтимоий фанлар кафедраларида олиб борилаётган тадқиқотларда ижтимоий турмушнинг реал жараёнлари ҳамиша ҳам чуқур ва холис анализ қилиб, берилаётгани йўқ, бу эса жамиятимиз тараққиётининг тарихий тажрибасига ва истиқболларига тўғри баҳо беришга халақит бермоқда.

Ҳозирги замон ижтимоий тараққиёти қонунларининг ҳаракат механизмини атрофлича очиб берувчи фундаментал назарий проблемаларни тадқиқ қилишда орқада қолинаётганлиги сезилмоқда. Социализм сиёсий иқтисодининг, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг, ҳозирги босқичда иқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг назарий масалалари етарли равишда чуқур ва комплекс ишлаб чиқилаётгани йўқ. Табиётнинг энг янги муваффақиятларини фалсафий жиҳатдан сифатли ва чуқур умумлаштиришга, социал психология, коллектив ва шахс, жамият ва давлат, коммунистик қурилиш шароитларида социалистик демократияни ривожлантириш проблемаларини ўрганишга кам эътибор берилмоқда. Конкрет социал-тадқиқотлар сўнгги вақтларгача етарли даражада авж олдириб юборилмаган, бу тадқиқотларнинг илмий-методик асоси эса, ғоят эмпирик тарзда бўлиб қолмоқда. Кўпгина ишларда муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган янги хулосалар, умумлашмалар ва тавсиялар йўқ.

КПСС тарихига оид ишларда партия раҳбарлик ролининг кўп қиррали характери етарли даражада чуқур очиб берилмайди. КПССнинг социализм ва коммунизм қуриш назариясига қўшган ҳиссасини, Октябрь революциясидан кейинги 50 йил ичида марксизм-ленинизмни интернационал ривожлантиришдаги ролини кўрсатадиган, КПССнинг меньшевиклар, троцкийчилар, ўнг оппортунистлар, миллатчи-оғмачилар ҳамда партияга душман бўлган бошқа гуруҳлар ва оқимлар билан олиб борган курашини атрофлича тасвирлайдиган умумлашма фундаментал асарлар яратиш соҳасидаги иш етарли даражада активлик билан олиб борилмаётир.

Гарчи сўнгги йилларда жаҳон тараққиёти, ҳозирги замон капитализмининг социал-иқтисодий, сиёсий ва идеологик тенденциялари конкрет анализ қилиб берилган, ишчилар синфининг монополистик капитализмга қарши кураш тажрибаси, халқларнинг империализмга ва янги мустамлакачиликка қарши кураш тажрибаси умумлаштириб берилган бир талай қимматли китоблар чиқарилган бўлса ҳам, капиталистик жамият ва миллий озодлик ҳаракатининг кўп жиҳатлари ва проблемалари ҳали чуқур ўрганилиши, бу соҳада комплекс тадқиқотлар олиб борилиши лозим. Бундай тадқиқотлар етарли равишда собит қадамлик билан ташкил этилмаётир.

Ижтимоий фанларнинг ходимларидан империалистик идеологияга, марксизм-ленинизмни сохталаштирувчи буржуалар ва реформистларга қарши курашда принципиал ва қатъий бўлиш талаб қилинади. СССР ва КПСС тарихи, жаҳон коммунистик, ишчилар ва миллий озодлик ҳаракати тарихи проблемаларини «ўрганиш» соҳасида иш кўрсатмоқчи бўлган ҳамда Советларга қарши ва коммунистларга қарши курашишни ўзига касб қилиб олганларни фош қилиш совет олимларининг энг муҳим вазифасидир. Ревизионизм ва миллатчиликка қарши, маоцзэдунизмнинг улуғ давлатчилик антисовет идеологиясига қарши курашишда совет олимларининг роли масъулиятлидир.

Илмий тадқиқотларнинг назарий савияси ва самарадорлигини пасайтираётган нарса шуки, СССР Фанлар академияси, иттифоқдош республикаларнинг Фанлар академиялари ижтимоий фанлар соҳасидаги илмий тадқиқот ишларини уюштириш, планлаштириш ва координациялашнинг янги формаларидан етарли равишда фойдаланмаётирлар. Ижтимоий фанлар соҳасидаги илмий ахборотнинг аҳволи ҳозирги замон талабларидан анча орқада қолмоқда. СССР Фанлар академиясининг илмий муассасалари ҳозирги замон техника воситалари билан лозим даражада қуроллантирилмаган. Кўп ҳолларда гуманитар институтлар билан кафедралар ўринсиз равишда бир хил тадқиқотларни олиб бормоқдалар ёки бачкана темалар доирасида ўралашиб қолмоқдалар, бу эса илмий кучларнинг парокандаланиб кетишига олиб боради, дадил илмий изланишга халақит беради. Бир қанча илмий муассасаларда самарали муҳокамалар ва мунозаралар камдан-кам ўтказилаётганлиги, танқид ва ўз-ўзини танқид етарли даражада авж олдирилмаганлиги ҳам ижтимоий фанларни ривожлантиришга салбий таъсир ўтказмоқда.

Баъзи илмий тадқиқот муассасаларининг партия ташкилотлари ва раҳбарлари бундай камчиликларга кўпинча парво қилмаётирлар, ғоявий-тарбиявий ишга етарли эътибор бермаётирлар, илмий этикани бузиш фактларига қарши ўз вақтида чора кўрмаётирлар, илмий коллективларда чинакам ижодий муҳит, юксак партиявий талабчанлик ва принципиаллик вазияти яратишга ҳаракат қилмаётирлар.

Мамлакат ўқув юртларида ижтимоий фанларни ўқитишни янада яхшилаш керак. СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, мутахассислар тайёрлаш учун жавобгар бўлган бошқа министрликлар ва идоралар студент ёшларга ижтимоий фанларни ўқитиш ва уларни ғоявий-сиёсий тарбиялаш савиясини лозим бўлган даражага ҳали ҳам кўтарганлари йўқ. Ижтимоий фанлар соҳасидаги кадрларни тайёрлашда камчиликлар бор. Бир қанча илмий муассасалар ва олий ўқув юртларининг раҳбарлари билан партия ташкилотлари ёш илмий кадрларни ўстириш ва кўтариш тўғрисида лозим бўлган даражада ғамхўрлик қилмаётирлар.

КПСС Марказий Комитети иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка, область, шаҳар, район партия комитетларига, партия ташкилотларига, СССР Фанлар академиясига, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига шу қарорда кўрсатилган камчиликларни тугатиш юзасидан амалий чоралар кўришни, илмий тадқиқот ишининг қўйилишини яхшилашни, назарий масалаларни коммунистик қурилишнинг конкрет вазифалари билан узвий боғлаган ҳолда ижодий ишлаб чиқишни таъминлашни, кадрларга ижтимоий фанларни ўқитиш ва уларга марксизм-ленинизм таълимотини ўргатишнинг бутун иши савиясини оширишни таклиф қилди.

Олимларнинг куч-ғайрати, аввало, КПСС программаси ва партия XXIII съезди томонидан қўйилган вазифаларни ҳал қилишга, мамлакат экономикасини янада ривожлантириш ишида актив қатнашишга, унинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, халқнинг моддий фаровонлиги ва маданий савиясини ошириш, совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялаш ишида актив қатнашишга, буржуа иделогиясига қарши кураш вазифаларига бўйсундирилиши лозим.

КПСС Марказий Комитетининг қарорида илмий тадқиқот муассасалари, партия ташкилотлари ва философия, экономика, илмий коммунизм, тарих, ҳуқуқ, эстетика, педагогика, психология ва бошқа ижтимоий фанлар соҳасида ишловчи олимлар коллективларининг эътибори йирик назарий проблемаларни тағин ҳам амалий тарзда ва атрофлича ишлаб чиқиш, жамият тараққиёти ва ҳозирги замон илмий билимлари, илмий тадқиқотларнинг сифати ва самарадорлигини янада оширишнинг актуал масалалари юзасидан умумлашма асарлар яратиш зарурлигига қаратиб ўтилди.

Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичи ва илмий билимларнинг тараққиёти ижтимоий фанлар соҳасидаги илмий тадқиқот ишларини биринчи навбатда қуйидаги соҳаларга жамлашни талаб қилади:

Философия фанлари соҳасида — материалистик диалектикани билиш ва логика назариясини, ижтимоий, табиёт ва техника фанларининг методологик проблемаларини янада ишлаб чиқиш, социалистик жамият диалектикаси ва ҳозирги замон капитализмининг зиддиятларини, ижтимоий тараққиётнинг объектив ва субектив факторлари нисбатини ўрганиш, умумий социологик назария бўлмиш тарихий материализмни, конкрет социал тадқиқотларни ривожлантириш, жамиятнинг социал структураси, социалистик ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш ва уларнинг коммунистик муносабатларга ўсиб ўтиши проблемаларни ишлаб чиқиш, ижтимоий онг қонуниятларини тадқиқ қилиш, шахс ва коллектив, жамият ва давлат, социалистик гуманизм, этика ва эстетика проблемаларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш.

Экономика фанлари соҳасида — социализм сиёсий иқтисодининг қонунлари ва категорияларини ҳамда уларнинг таъсир кўрсатиш механизмини ҳар томонлама очиб бериш, коммунизм моддий-техника базасини яратиш ва коммунистик ишлаб чиқариш муносабатларини шакллантириш, иқтисодий проблемаларни тадқиқ этиш, ҳозирги босқичда иқтисодий сиёсатнинг янги принципларини амалга ошириш, жамоат ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш кучларини рационал жойлаштириш ва мамлакат меҳнат ресурсларидан фойдаланиш юзасидан илмий тавсиялар ишлаб чиқиш, техника тараққиётининг иқтисодий проблемаларини ўрганиш, социалистик халқ хўжалигини оптимал планлаштириш ва фаолияти назарияси ва методларини ишлаб чиқиш, социализмда товар-пул муносабатлари проблемаларини, планлаштириш ва бошқаришда ҳисоблаш техникасидан кенг фойдаланишни, халқ хўжалиги айрим тармоқлари экономикаси соҳасидаги тадқиқотларнинг ривожланиши, демография соҳасидаги иқтисодий сиёсий тадқиқотлар, социалистик мамлакатлар иқтисодий ҳамкорлиги формаси ва методлари, жаҳон социализм системасини мустаҳкамлаш йўллари, ҳозирги замон капитализми экономикасида янги ҳодисаларни очиб бериш, империализм, социал иқтисодий зиддиятларини, жаҳонни қайта бўлиш ва шу сингари мақсадлар учун империалистик курашнинг янги шаклларини, мустамлака қарамлигидан озод бўлган ривожланаётган мамлакатларнинг социал ва сиёсий проблемаларини ўрганиш.

Илмий коммунизм соҳасида — ленинча социалистик революция назариясини ҳозирги даврга тадқиқ этган ҳолда ишлаб чиқиш, жаҳон революцион процесси тараққиёти қонуниятларини очиш, халқаро пролетариат синфий курашини ҳамда миллий озодлик ҳаракати проблемаларини, қарши олиб борилаётган курашни анализ қилиш, ҳозирги даврдаги халқаро коммунистик ҳаракат назарий масалаларини ишлаб чиқиш, уруш ва тинчлик проблемаларини ўрганиш, социализм билан капитализм ўртасидаги антогонистик зиддиятларни чуқур очиб бериш, социализм тараққиёти ва унинг коммунизм томон ўсиб бориш социал сиёсий проблемаларини комплекс равишда ўрганиш. Илмий-техника революциясининг социал натижаларини очиш, шаҳар билан қишлоқнинг меҳнат шароитлари, уй турмуши ва маданий ривожланиши йўллари ва яқинлашиш шаклларини ишлаб чиқариш фаолиятида ақлий ва жисмоний меҳнатни органик бирлаштириш, миллий муносабатларнинг ривожланиш проблемаларини ишлаб чиқиш; социал процессларни илмий бошқариш методларини ишлаб чиқиш; коммунистик тарбия ишларининг мазмуни ва шаклларини, меҳнаткашларнинг онгидаги ва турмушидаги хусусий мулкчилик, диний ва бошқа сарқитларни бартараф этиш йўлларини анализ қилиш; давлат тузуми ва социалистик демократияни такомиллаштириш, ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялаш процесслари ва проблемаларини тадқиқ этиш; бошқа мамлакатларда социализм қурилиши тажрибаларини ўрганиш;

КПСС тарихи ва бошқа тарихий фанлар соҳасида — социалистик революция ғалабаси ва пролетариат диктатурасини ўрнатиш учун, ленинча социализм қуриш планини амалга ошириш учун курашда КПСС тажрибасини умумлаштириш, коммунистик қурилишда партиянинг ривожланиш қонуниятлари ва унинг раҳбарлик ролининг ошиб боришини ишчилар синфининг революцион назарияси, стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқишда КПСС фаолиятини тадқиқ этиш; партия қурилиши, назарияси ва практикасини, партия ташкилотлари ишининг шакл ва методларини ўрганиш, КПССнинг антиленинча группалар ва оқимларга қарши ўз сафларининг ғоявий ва ташкилий бирлиги учун, халқаро коммунистик ҳаракат бирлиги учун олиб борган курашини ёритиш; халқ оммасининг тарихдаги, меҳнаткашларнинг социал ва миллий зулмга қарши курашидаги ҳал қилувчи ролини, ишчилар синфининг буюк халоскорлик ролини очиб бериш; совет халқининг Улуғ Октябрь эришган ғалабаларини ҳимоя қилишда, мамлакатни социалистик индустрлаш, қишлоқ хўжалигини коллективлаш ва маданий революция учун, Улуғ Ватан уруши йилларида фашизмни тор-мор этиш учун курашда қилган қаҳрамонликларини кўрсатиб бериш; ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқини, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, кўп миллатли Совет давлатини барпо этиш ва ривожлантириш тажрибасини умумлаштириш; СССР ташқи сиёсати ва халқаро муносабатларни, халқаро ишчилар ва коммунистик ҳаракат тарихини ўрганиш;

Ҳуқуқ фанлари соҳасида — давлат қурилишининг, социалистик демократия ривожланишининг актуал проблемаларини тадқиқ этиш; меҳнаткашлар депутатлари Советлари, давлат идора этиш услуби, хўжалик ҳаёти ва ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш илмий асослари масалаларини ишлаб чиқиш; мамлакатда жиноятларнинг ва бошқа хил тартиб бузилишларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш, қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботини мустаҳкамлаш чораларини ишлаб чиқиш; совет қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган тавсиялар тайёрлаш; ҳозирги замон империалистик давлатлари ва ҳуқуқларининг реакцион моҳиятини фош этиш; халқаро ҳуқуқ проблемаларини ўрганиш.

Фан ва практика эҳтиёжлари, дейилади қарорда, ижтимоий фанлар тараққиётининг барча муҳим соҳаларида комплекс тадқиқотлар уюштириш заруратини олға суради. Илмий тадқиқотларда марксча-ленинча методологияга, ижтимоий ҳодисаларга синфий-партиявий, конкрет-тарихий ёндошув принципларига ғоят катта аҳамият бермоқ керак.

Ижтимоий фанларнинг энг муҳим вазифаси — антикоммунизмга қарши мунтазам равишда ҳужумкорлик кураши олиб бориш, ҳозирги замон буржуа философияси, социологияси, тарихшунослиги, ҳуқуқи ва капитализм ҳимоячиларининг иқтисодий назарияларини атрофлича танқид қилиш; марксизм-ленинизм ғояларини, жамият тараққиёти, коммунистик ва ишчилар ҳаракати тарихини сохталаштирувчиларни фош этиш; шунингдек сиёсатда ўнг ва «сўл» ревизионизм, миллий маҳдудлик кўринишларига қатъий зарба беришдан иборат.

Марксизм-ленинизмнинг умумий, интернационал аҳамиятини янада равшанроқ очиб бериш, коммунистик ғоявийликнинг буржуа ғоявийлигидан устунлигини, илмий коммунизм ғояларининг ғолибкор кучини, жаҳон тарихи ва социалистик мамлакатлар тажрибасини конкрет фактларда кўрсатиб бериш лозим.

Ижтимоий фанлар билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот муассасаларининг ишида баҳсли ёки унча равшан бўлмаган масалалар юзасидан ўртоқларча мунозаралар ўтказишни кенг қўлланиш керак.

КПСС Марказий Комитети СССР Госпланига, СССР Министрлар Советининг фан ва техника давлат комитетига, СССР Фанлар академиясига, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига 1968 йилнинг 1 январига қадар ижтимоий фанлар соҳасида олиб бориладиган илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, планлаштириш, илмий-тадқиқот ишларига маблағлар ажратишни тубдан яхшилаш юзасидан тегишли таклифларни тайёрлаб, КПСС Марказий Комитетига тақдим этишни топширди; бунда асосий илмий проблемалар юзасидан фундаменталь ва амалий тадқиқотлар реал истиқболларини аниқлаш, гуманитар институтлар системасини фан ва коммунистик қурилиш вазифалари талабларига мувофиқлаштириш, коллектив ва индивидуал иш формалари, тажрибали кадрлар билан ёш илмий ўринбосарларнинг иш олиб боришини тўғри уйғунлаштиришга эришиш, ижтимоий фанлар институтларининг моддий базасини мустаҳкамлаш кўзда тутилмоғи керак.

КПСС Марказий Комитетининг қарорига мувофиқ, Маркс—Энгельс—Ленин ғоявий меросини ўрганиш маркази сифатида КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтига тарихий—партия фанлари соҳасидаги барча илмий-тадқиқот ишларини координациялаш вазифаси юкланди. Институт КПСС тарихи ва партия қурилиши, илмий коммунизм, халқаро коммунистик ҳаракат актуал проблемаларини ишлаб чиқишга, шунингдек шу соҳалардан илмий информация ташкил этишга асосий эътиборни қаратади. Мана шу муносабат билан институт ва унинг филиалларининг иш планлари тузилиши ва штатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш кўзда тутилади.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий Фанлар академияси билан Олий партия мактабида, маҳаллий партия мактабларида партия раҳбар кадрлари ва идеология ходимларининг назарий тайёргарлигини янада яхшилаш чоралари кўрилмоғи керак.

КПСС Марказий Комитети СССР Фанлар академияси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти, Ижтимоий Фанлар академияси, Олий партия мактаби ва ижтимоий фанлар институти эътиборини чет эллардаги марксистик фикрлар тараққиётини ҳар томонлама ўрганиш, социалистик давлатлар ва қардош Коммунистик партиялар илмий муассасалари билан доимий алоқа ўрнатиш, ижтимоий фанлар соҳасида қилинадиган илмий тадқиқот ишларини, антикоммунистик идеологияга қарши ҳужумкор пропаганда олиб бориш шакллари ва методларини ишлаб чиқишни ўшалар билан уйғунлаштириш, марксча-ленинча назария, социалистик ва коммунистик қурилиш жаҳон революцион ҳаракатининг энг муҳим проблемалари ва тарихнинг актуал масалалари юзасидан мунтазам равишда қўшма илмий конференциялар ўтказиб туришни таъминлаш заруратига қаратди.

Илмий информация системасини тубдан яхшилаш ва ижтимоий фанлар ҳужжат базасини янада кенгайтириш мақсадларида СССР Министрлар Советининг фан ва техника Давлат Комитетига, СССР Фанлар академиясига ва СССР олий ва ўрта махсус таълим министрлигига илмий информация институти ташкил этиш тўғрисида таклиф тайёрлаш топширилди; КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтига ва СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Бош архив бошқармасига архив фондларини тўлдириш ва улардан яхшироқ фойдаланиш чораларини кўриш, давлат ва партия архивларини, ҳужжат материалларини замонавий кўчириш ва кўпайтириш техника воситалари билан таъмин этилишини кўзда тутиш; СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасига СССР Госплани ва СССР Фанлар академияси билан биргаликда социал тадқиқотлар учун зарур бўлган статистика маълумотларининг илмий асосланган системасини ишлаб чиқиш, уларнинг нашр этилишини кенгайтириш ва ихтисослаштириш топширилди.

Қарорда олий ўқув юртлари ва техникумларда ижтимоий фанларни ўқитишни яхшилаш, ўқувчиларни коммунистик руҳда тарбиялашни кучайтиришга доир бир қанча чоралар кўзда тутилган. Олий ўқув юртлари ва техникумлар ижтимоий фанлар кафедраларининг, партия ташкилотларининг энг муҳим вазифаси — мутахассисларда марксча-ленинча дунёқарашни, коммунистик энг ва юксак аҳлоқий фазилатларни шакллантиришдан, уларни коммунизмнинг актив қурувчилари, ишлаб чиқариш новаторлари, ватанпарвар ва интернационалистлар қилиб тарбиялашдан иборат.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область, шаҳар, район партия комитетлари, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, СССР Фанлар академияси президиумига илмий кадрларни тайёрлашга ва тақсимлашдаги камчиликларга барҳам бериш, ижтимоий фанлар ходимлари ва ўқитувчилари сифат составини яхшилаш, уларнинг ғоявий-назарий билим даражасини тағин ҳам оширишни таъминлаш таклиф этилди. Ана шу мақсадларда гуманитар институтлардаги ижтимоий фанлар ўқитувчилари ва илмий ходимларнинг ишчанлиги ва сиёсий малакасини аниқлаш ишларини, олий ўқув юртлари кафедралари ва илмий тадқиқот муассасаларининг штатларини конкурс билан тўлдириш системасини яхшилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, ижтимоий фанлар соҳасида ишлаётган мутахассисларнинг илмий малакаси даражасига нисбатан қўйиладиган талабларни ошириш; Ижтимоий фанлар бўйича илмий педагогика кадрларини тайёрлашни кенгайтириш, уларнинг ўқитувчилик маҳоратларини мунтазам равишда юксалтириб боришини таъминлаш, аспирантурага танлаб қабул қилишни яхшилашга эътибор бериш керак.

Қарорда айтиладики, КПСС Марказий Комитети партия ва давлат кадрлари марксча-ленинча назария, ленинча иш услуби, ишнинг формалари ва методларини, оммани ғоявий-сиёсий тарбиялаш ва уюштириш санъатини эгаллашларига жуда катта аҳамият беради. Партия барча коммунистлар, давлат, хўжалик ва ижтимоий фаолиятнинг ҳар бир тармоғидаги ходимларнинг марксизм-ленинизмни эгаллаши зарур, деб ҳисоблайди. Партия ташкилотлари коммунистларнинг сиёсий ўқишни, марксизм-ленинизм классиклари асарларини, КПСС тарихини, философияни, сиёсий иқтисодни, илмий коммунизмни, партиянинг ички ва ташқи сиёсатини ўранишни янада таъсирчан контроль қилиб турмоқлари керак; ёш коммунистлар ва комсомолларни ғоявий чиниктиришга, уларни ленинизм, совет халқининг революцион ватанпарварлик ва меҳнат традициялари руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор бериш; марксча-ленинча назарияни, Коммунистик партиянинг қаҳрамонона тарихини, Совет Иттифоқи халқларининг шонли революцион традицияларини пропаганда қилишга ижтимоий фанлар ходимларини кенгроқ жалб қилиш; кадрларга марксча-ленинча билим бериш, илмий методика ишларини ташкил этиш ва марксизм-ленинизм пропагандасининг ижобий тажрибасини умумлаштиришда КПСС ўлка, область, шаҳар, район комитетлари ҳузуридаги сиёсий оқартув уйлари ва кабинетларининг ролини ошириш керак.

КПСС Марказий Комитети СССР Министрлар Совети ҳузуридаги матбуот комитетига, марказий ва маҳаллий нашриётларга Маркс, Энгельс, Ленин асарларини кенг китобхонлар оммаси учун кўплаб нусхада нашр этишни таъминлаш; ўқув юртларининг соҳаси ва сиёсий оқартув системаси эҳтиёжларини назарда тутган ҳолда ижтимоий фанлардан илмий асарлар, шунингдек дарсликлар, методик ва кўргазмали қуролларни зарур нусхада нашр этиш, муайян категориядаги партия ва совет активига, зиёлиларига, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ходимларига мўлжалланган илмий адабиётлар махсус сериялари ва кутубхоналарини нашр этиш вазифасини топширди. Ижтимоий фанлар юзасидан нашр этиладиган китобларнинг ғоявий ва илмий мазмуни учун илмий муассасалар, шунингдек нашриётларнинг ролини ва масъулиятини ошириш, редакция-нашриёт кадрлари танлашни яхшилаш, уларнинг назарий билим даражаси ва малакасини ошириш чораларини кўриш; нашр қилинадиган асарларнинг китобхонга манзур бўлиб, унга талаб кўпайиши учун бу асарларнинг илмий даражасини ва сифатини ошириш керак.

Ижтимоий-сиёсий ва илмий журналларнинг редакцион коллегияларига, марказий, республика, ўлка ва область газеталарининг редакцияларига, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги радиоэшиттириш ва телевидение комитетига марксча-ленинча назарияни, ижтимоий фанларнинг эришган ютуқларини пропаганда қилишни кучайтириш чораларини ишлаб чиқиш ва бунда нашр этиладиган материаллар, радио ва телевизион программалар сифатини яхшилашга алоҳида эътибор бериш таклиф этилди.

КПСС Марказий Комитетининг қарори иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка, область, шаҳар, район партия комитетларига, илмий тадқиқот муассасалари ва ўқув юртларига раҳбарликни яхшилаш, кадрлар танлаш, уларни ишга қўйиш ва тарбиялашда уларга доимий ёрдам кўрсатиш вазифасини юклайди. Ижтимоий фанлар соҳасида ёш илмий ходимлар ва ўқитувчилар тайёрлашга партия ташкилотлари катта эътибор бермоқлари лозим. Олимлар ва ўқитувчилар коллективларида ҳамиша юксак масъулият вазиятини сақлаб туриш, уларнинг ижодий активлиги ва ўзаро талабчанлигини, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш, илмий педагогика кадрларини коммунистик партиявийлик руҳида тарбиялаш зарур.

Ижтимоий фанлар намояндаларининг бурчи — КПСС XXIII съезди қарорлари асосида илмий ва оммавий пропаганда ишларини кенг қулоч ёйдиришдан иборат.

КПСС Марказий Комитети ишонч билдирадики, марксча-ленинча назарияни ижодий ривожлантириш ва пропаганда қилишда ижтимоий фанлар, бутун идеология фронти ходимлари янгидан-янги муваффақиятларга эришиб, КПСС XXIII съезди қарорларини амалга оширишда коммунизм қурилиши ишига ўзларининг ҳиссаларини қўшадилар.

ЛЕНИНЧА КООПЕРАЦИЯ

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ

Совет қишлоғининг ярим асрлик ривожланиш йўли аграр масала ҳақидаги марксча-ленинча таълимотнинг тўғрилигини исбот этди. Колхоз тузумининг ташкил топиши, миллионлаб шахсий деҳқончилик хўжаликларининг йирик социалистик ишлаб чиқариш йўлига ўтказилиши—совет халқининг улуғвор ғалабасидир.

СОЦИАЛИЗМ ҚУРИШ ЙЎЛИДА

Илмий коммунизм классиклари К. Маркс ва Ф. Энгельс ҳам коммунистик деҳқончиликка ўтишнинг асосий ғояларини айтишган эди. Табиийки, улар бундай ғояларни умумий тарзда бердилар, чунки ўша вақтда бу масалани илмий умумлаштириш учун амалий тажриба йўқ эди.

Ленинча кооперация плани партия ва Совет давлати томонидан қишлоқда социалистик хўжалик формаларини қуриш юзасидан тўпланган тажрибанинг назарий умумлашмаси бўлди. Лениннинг кооперация плани ҳаёт тажрибаси, кўп миллионли омманинг революцион ижодий тажрибаси асосида шаклланди ва ривожланди.

Ҳатто В. И. Ленин Октябрга қадар бўлган ўз асарларида шуни кўрсатдики, пролетариат сиёсий ҳокимиятни қўлга киритгач, социализмни қуриш учун фақатгина капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларини социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари билан алмаштирибгина қолмай, айни вақтда майда товар ишлаб чиқаришини социалистик қайта ташкил этишни амалга ошириши ҳам керак.

1917 йилнинг Октябридаги пролетар революциясининг ғалабаси Коммунистик партия аграр назарияси ва сиёсатининг тўғрилигини исботлади. Совет ҳокимияти деҳқонларнинг асрлар давомидаги орзу-умидларини рўёбга чиқарди. В. И. Ленин таклифи билан қабул қилинган ер ҳақидаги Декрет ерга бўлган хусусий мулкчиликни умрбод бекор қилди. Пролетар революцияси уни национализация қилди. Социализмга ўтиш учун жуда ҳам қулай бўлган ер тузуми ташкил этилди. Деҳқонлар помешчик, давлат, черков ва монастир ерларидан 150 миллион гектардан ортиқ ва қулоқлардан тортиб олинган 50 миллион гектарга яқин ер олди. Октябрь революцияси деҳқонларни ҳар йили олтин билан помешчикларга тўланадиган 700 миллион сўмлик тўловлардан озод қилди.

Октябрь революцияси, унинг ер ҳақидаги биринчи қонунлари мамлакатда катта социал-иқтисодий ўзгаришларнинг бошланишига асос солди. Йирик социалистик хўжаликлар—совхозлар ташкил этишга қаратилган тадбирлар амалга оширила бошланди, ерга жамоат бўлиб ишлов бериш, қишлоқ хўжалиги артеллари ҳар томонлама қўллаб-қувватланди. 1918 йилнинг охирига келиб РСФСРда 3101 та совет хўжалиги, шунингдек 1579 та қишлоқ хўжалик кооперативи ташкил этилган эди. Колхозлар ва совхозлар сони муттасил ортиб борди. 1926 йилга келиб мамлакатда 220 мингдан ортиқ деҳқон хонадонини бирлаштирган 11 мингдан кўпроқ колхозлар бор эди.

1922-1923 йилларда халқ хўжалигини тиклашда дастлабки ютуқлар қўлга киритила бошланди. В. И. Ленин ўзининг сўнгги нутқлари, хатлари ва мақолаларида Совет ҳокимиятининг беш йиллигидаги ва янги иқтисодий сиёсат шароитида қилинган тинч меҳнатнинг тажрибасини умумлаштириб, СССР да социализм қуриш планининг асосий йўналишларини ишлаб чиқди.

Ленинча кооператив планда партия ва давлатнинг жуда катта тажрибаси, матлубот ва қишлоқ хўжалик кооперацияларининг конкрет тажрибаси умумлашди.

В. И. Лениннинг «Кооперация ҳақида»ги мақоласи катта аҳамиятга эга бўлди. У ленинча кооператив планнинг муҳим ажралмас қисми, бу планни ишлаб чиқишнинг охирги босқичи бўлди. Кооперация бизнинг шароитда, таъкидлаган эди Ленин шу мақолада, тамомила социализмга мос тушади.

Деҳқон оммасини кооперацияга жалб қилишнинг принцип ва методлари, шу жумладан бирлашишнинг ихтиёрийлиги, фақатгина зарур объектив омилларигина бўлганда навбатдаги этапга ўтиш мумкинлиги, деҳқонлар ташаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ишчилар синфи томонидан қишлоқни социалистик қайта қуриш учун бериладиган кенг иқтисодий ёрдамнинг принцип ва методлари ҳартомонлама пухта ишлаб чиқилди. Деҳқонлар маданий савиясини ошириш вазифасини кооперативлаштириш билан узвий боғланган ҳолда амалга ошириш лозимлиги белгиланди.

Қишлоқни социалистик ўзгартириш плани халқ хўжалигида индустриянинг етакчи ролига асосланди. Ленин оғир саноат ва унинг етакчи тармоғи машинасозликни ривожлантириш қишлоқ хўжалигини социализмга ўтказишнинг асосий шарти деб билди.

ГИГАНТ ОДИМ

Ленинча кооперация плани марксистик назарияни ривожлантиришга, коммунизм ва социализм қуриш ҳақидаги таълимотга қўшилган катта ҳиссадир. В. И. Ленин Коммунистик партияга, СССР ишчилар синфига майда қишлоқ хўжаликларини социалистик қайта ташкил этишнинг илмий асосланган программасини белгилаб берди. **Кооператив планда ишлаб чиқилган ленинча қоидалар 20-йилларнинг охири ва 30-йилларнинг бошида партиянинг мамлакат қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш юзасидан олиб борган амалий фаолиятига асос бўлди.**

Коммунистик партиянинг XV съезди жамият тараққиётининг иқтисодий талабларини ва кооператив қурилиши муваффақиятларини ҳисобга олиб, Ленин кўрсатмаларига амал қилган ҳолда деҳқончиликни янада кооперативлаштириш асосида тарқоқ деҳқон хўжаликларини йирик ишлаб чиқариш хўжаликларига аста-секин ўтказишни амалга оширишни биринчи даражали вазифа қилиб белгилади.

Юқорида кўрсатилганидек, йирик саноат қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришни ўтказишда муҳим роль ўйнади. Йирик саноатнинг муваффақиятлари аввало эски машинасозлик заводларида, сўнгра янги корхоналарда тракторлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини берди. 1930 йилда Сталинград трактор заводи, Ростов, Гомель, Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводлари ишга тушди. 1931 йилда эса қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари қаторига Харьков ва Челябинск трактор заводлари, Саратовдаги комбайн заводи қўшилди.

Ўша йиллари ташкил этилган машина-трактор станциялари ердан фойдаланишнинг коллектив формаларига ўтаётган деҳқонлар жипслашадиган марказлар бўлиб қолди. МТС қишлоқда пролетар диктатурасининг таянч пунктларига айланди.

Қишлоқда революцион тўнтаришни тайёрлаш ва амалга ошириш даврида ишчилар синфининг ташкилотчилик роли яққол намоён бўлди. ВКП(б) Марказий Комитети ноябрь (1929 йил) Пленумининг қишлоқни социалистик қайта қуриш ишида раҳбарлик ролини бажара оладиган 25 минг илғор ишчини сафарбар қилиш ҳақидаги қарорига жавобан, 70 мингдан ортиқ ишчи қишлоққа бориш хоҳишини билдирди. Партия илғор ишчиларнинг кўп сонли отрядлари орқали қишлоқда камбағаллар ва батракларни янги жамият қуришга сафарбар этиш юзасидан жуда кўп иш қилди.

Колхоз қурилиши масалаларида партия йўлига қарши чиққан Бухарин ўнг оппортунистик группасининг тор-мор қилиниши коллективлаштиришни кенгайтириш учун шароит яратиш ва уни амалга оширишда муҳим роль ўйнади.

Марказий Комитетнинг 1930 йил 5 январда чиққан «Коллективлаштириш суръатлари ва колхоз қурилишига давлат ёрдами чоралари» қаторида партиянинг янги сиёсати—**қишлоқ хўжалигини тўла коллективлаштириш ва шу асосда қулоқларни синф сифатида тугатиш** сиёсати белгилаб берилди. Янги сиёсатга ўтиш ленинча кооперация планини амалга ошириш учун қурашдаги янги муҳим қадам бўлди. Партия қулоқларни тугатишни тўла коллективлаштириш жараёнининг ажралмас қисми бўлган камбағаллар ва ўрта ҳол деҳқонларнинг оммавий суратда колхозга кириши билан узвий боғланган ҳолда амалга ошириш лозимлигини таъкидлади.

Колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш тадбирлари системаси ишлаб чиқилди. **Қишлоқ хўжалик артели колхоз ҳаракатининг асосий формаси бўлди.**

Партиянинг тўла коллективлаштиришга қаратилган тадбирлари деҳқонлар томонидан қўллаб-қувватланди. Деҳқонлар қишлоқ хўжалигини социалистик ривожлантириш йўли қолоқлик ва очликни бартараф этишнинг ягона воситаси эканлигини тушундилар. Партия Марказий Комитети 1930 йилнинг мартида «Колхоз ҳаракатида партия йўлидан четга оғишларга қарши кураш ҳақида» махсус қарор қабул қилди. Шуниси маълум эдики, бу камчиликлар фақатгина қуйи маҳаллий ходимларгагина эмас, айни вақтда область звеноси ва марказий органлар ходимларига ҳам хос эди. Қарорда оммавий колхоз қурилишига раҳбарлик қилиш практикасида колхоз ҳаракати ихтиёрийлигининг ленинча принципларидан оғишлар бўлганлиги очиқ-ойдин тан олинди.

РАҒБАТЛАНТИРИШ САМАРАСИ

Маълумки, бизнинг колхоз иларни пахтачилик билан шуғулланиб келарди. Энди эса шаҳар меҳнаткашларига сабзавот, картошка, мева, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берадиган хўжаликка айланди. Бу йил пахтачиликдан тўла сабзавотчиликка ўтдик.

Албатта, пахтачиликка нисбатан сабзавотчиликда техникадан фойдаланиш даражаси анча паст. Пахтачиликда техникадан фойдаланиш даражаси шу қадар юксалиб бораяпти-ки, чигит экишдан тортиб, ҳатто ерга тўкилган пахтани териб олишгача бўлган ишларнинг барчасини бажаришда техника қўлланилмоқда. Аммо сабзавотчиликда бундай эмас. Картошкани машина билан экилиб, машина билан культивация қилиш ва машина билан териб олиш мумкин. Лекин сабзи, пиёз, помидор, қизилча, бодринг, бақлажон, карам кабиларни парвариш қилиш тўла механизациялашмаган.

Меҳнатсевар колхозчиларимиз ялоҳи борича сабзавотчиликда техникадан фойдаланишга, агротехника соҳасидаги илғор тажрибаларни қўллашга интилмоқдалар. Масалан, илгари сабзи қўл билан ўталар эди. Эндиликда керосин сепиб ўт ўлдириш усули қўлланмоқда. Бир неча механизаторлар бошлиқ звеноларга тузилди.

Шу билан бирга сабзавотчилик соҳасидаги ишларнинг юришиб кетишига моддий рағбатлантириш тадбирларининг амалга оширилиши ҳам жуда катта ижобий таъсир қилмоқда.

Биз бу йил план бўйича давлатга 4400 тонна сабзавот маҳсулоти сотишимиз лозим. Колхозчиларимиз мана шу планни бир ярим баравар қилиб бажарамиз, давлатга 6600 тонна сабзавот сотамиз, демоқдалар. Чунки партиямиз олдинга сурган моддий рағбатлантириш тадбирларининг тўғри амалга оширилиши колхозчиларимизнинг ғайрат ва ташаббусларини ошириб юборди. Улар барча экинлардан мўл ҳосил етиштириш учун астойдил курашмоқдалар. Айниқса кам ҳосилли экинлардан картошкачилик соҳасидаги ишларнинг дастлабки натижалари бизни қувонтирмоқда. Масалан, Ҳолдор Қурбонов бошлиқ звено аъзолари бу йил 12 гектар ерга картошка экишган эди. Шунинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 18 тоннадан ҳосил кўтарилди. Бу пландагидан 7 тонна кўп демакдир. Биз мана шу ортиқча етиштирилган етти тонна картошканинг 70 процентини колхозчиларга берамиз. Бу 5600 килограммни ташкил этади.

Колхозимизда ҳамма турдаги экинларга шу хилда ҳақ тўлаш жорий этилгани туфайли картошка, карам, помидордан мўл ҳосил етиштирилаяпти. Ҳозир тахминан картошканинг ҳар гектаридан олинадиган ҳосил 16 тоннадан 21 тоннага тўғри келади.

Етмишвой Алекеев звеносида ҳар гектар ердан ҳозиргача план бўйича 20,8 ўринга 26 тоннадан помидори териб олинди. Мавсум охиригача звено аъзолари ҳар гектар ердан териб олинган помидорнинг миқдорини 50 тоннага етказиш учун курашмоқдалар.

Ўтган 6 ойда пландан ташқари етиштирилган ҳосилнинг 70 процентини колхозчиларга берилса қанча сўм бўлишини ҳисоблаб кўрдик. Масалан, картошкадан колхозчилар 4200 сўм, резавордан 3600 сўм, карамдан 22 минг сўм қўшимча ҳақ олар эканлар. Бу озгина пул эмас.

Юбилей йилида колхозчиларимиз барча экин турлари бўйича белгиланган планни тўла ва ошириб бажариш мажбуриятини олганлар.

Х. ЭЛБЎСИНОВ,
Оржоникидзе районидаги «Октябрь» колхозининг раиси.

ИЛҒОР УЧАСТКАДА

Пландаги 25,5 центнер ўринга 35 центнердан «оқ олтин» кўтариш учун курашаётган Янгийўл районидаги Калинин номли колхознинг Роза Отабоева бошлиқ участкаси деҳқонлари юбилей йилида баракали меҳнат қилишяпти.

Улар парвариш қилаётган 70 гектар ердаги ғўзани шу кунгача тўрт марта узунасига ва 3 марта кўндалангига культивация қилишди. Механизатор Дониёр Бектургонов сифатли культивация қилишда айниқса намунали ишлади. Сувчилардан Исмоил Мамедов ва Усмон Ширимбетовлар ғўзаларнинг ҳосилига ҳосил қўшиладиган шу кунларда ҳар туп ниҳолнинг мириқиб сув ичишини таъминлашяпти.

Қилинаётган меҳнат ўз натижасини кўрсатабошлади. Ҳар бир туп ғўзада шиғил-шиғил кўсак битган. Ана шу ҳосил ниҳоналари мўлжалдаги хирмондан дарак бериб турибди.

А. ЖАЛОЛОВ.

САБЗАВОТДАН МЎЛ ҲОСИЛ

Бу йил хўжаликда биринчи марта 383 гектар майдонга сабзавот ва картошка экилди. Сабзавотчилик билан шуғулланадиган 8 та звено тузилди. Олдинига хўжалик учун янги бўлган бу соҳага айрим кишилар «бу вазифа қўлимиздан келармикин», деб иккиланишди ҳам.

«Партия XXII съезди» колхози правлениеси ва партия ташкилоти бу янги звеноларга сабзавотчиликни биладиган уста деҳқонларни бошлиқ қилиб тайинлади. Уларга етарли ишчи кучи, техника, сифатли уруғликлар, минерал ўғитлар ажратиб берилди.

Хўжалик учун янги бўлган бу соҳага қўйилган дастлабки қадамларнинг чакки эмаслиги сабзавот маҳсулотлари йиғиб-териб олинаётган шу кунларда яққол кўриняпти. М. Ўлмасов, С. Ниёзов бошлиқ звенолар 40—50 гектардан ерда деҳқончилик қилишди.

Маматқосим Ўлмасов звеноси 5 гектар ерга эккан эртаги картошканинг гектаридан пландаги 10 тонна ўринга 12 тоннадан ҳосил йиғиштириб олди. 8 гектар эртаги карам ҳосили йиғиштирилганда тайёрлов пунктларига 1120 центнер ўринга 1440 центнер маҳсулот сотилиб, бу соҳадаги план ҳам ошириб бажарилди. 3 гектар ердаги лавлагидан 39 тонна ўринга 92 тонна ҳосил йиғиштирилди.

Сабзавотчиликка биринчи марта қўл урган Мукамбар Розиқова, Омила Абдурасуловаларнинг бу ютуқда муносиб улушлари бор. Улар ўзларига бириктириб берилган эртаги картошканинг гектаридан 150—160 центнерга етказиб ҳосил олишди.

Ш. ХОЛМУҲАМЕДОВ.
Ўрта Чирчиқ райони.

ҚИШЛОВ ТАРАДДУДИ

Юбилей йили вахтасида туриб меҳнат қилаётган Калинин районининг чорвадорлари ишлаб чиқаришда янгидан-янги ғалабаларни қўлга киритмоқдалар. Райондаги колхоз ва совхозларда чорва қишловига тайёргарлик кўриш жадал суръатлар билан давом этмоқда. Кўпгина хўжаликларда ем-хашак бригадалари ташкил қилинган. Шу туфайли қувончли ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Оржоникидзе номли колхозда ҳам махсус хашак тайёрлаш бригадаси ташкил этилган эди. Натижада ем-хашак тайёрлаш ишлари жадаллашди. Чорвадорлар социалистик мусобақанн кучайтириб, ем-хашак тайёрлаш планини муваффақиятли бажардилар. 650 тонна хашак ғарамлаб қўйилди. Хўжаликда силос тайёрлаш плани ҳам ортиғи билан адо этилди.

«Партия XX съезди» колхозида беда ўрими жадал суръатлар билан кетяпти. Колхозчилар барча майдонлардаги бедани тўрт марта ўриб олишга аҳд қилишган. Шу билан бирга маккажўхоридан силос бостириш ҳам қизғин. Машиналардан моҳирлик билан фойдаланган чорвадорлар қисқа вақт ичида 1300 тонна силос бостириб, бу соҳадаги топшириқни муваффақиятли бажардилар.

Район чорвадорлари бир ярим йилга етадиган миқдорда ем-хашак тайёрлаш учун қизғин курашмоқдалар.

Н. ҚОДИРОВ.



Тошкентдаги 1-босмахона коллективи Совет ҳокимиятининг шонли юбилейи шарафига китоб нашр этиш суръати ва сифатини тобора яхшиламоқда. Фотомухбир А. Тўраев босмахонанинг пешқадам цехларидан бирини суратга олган.

СЕРКУЁШ республикамизда



САМАРҚАНД ОБЛАСТИ. Зарафшон тоғларининг хушманзарали жойларида пионер лагерлари жойлашган. Шу йили бу лагерларда минглаб мактаб ўқувчилари дам олишди. Суратда: лагерда дам олаётган пионерларнинг бир группаси қизиқарли ўйин вақтида.

А. Кузьменко фотоси, (ЎзТАГ).

ГУРЛАНДА ШИРИНАК

Гурлан районидаги Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги номли колхозда янги ҳосил қовунининг мазаси татиб кўрилди. Бу ширинак жюриси составига қишлоқ хўжалик мутахассислари, донгдор полизчилар киритилди. Бу йил Хоразм областининг далаларида қовун-тарвуздан айниқса мўл ҳосил етиштирилди. Деҳқонларнинг чамасича кўра, бу йил камида 9 минг тонна ёки ўтган йил кузларига нисбатан 1,5 минг тонна кўп ширин-шакар қовун топширилади.

Гурлан районидаги «Ленинизм» колхози, Ҳазорасп районидаги Фрунзе номли колхоз, Урганч районидаги бўрдоқичилик совхози гоят ширин ва ҳушбўй қовун етиштирганликлари учун биринчи мукофотга сазовор бўлдилар. 20 та бошқа хўжалик иккинчи ва учинчи даражали мукофотлар билан, 11 хўжалик қишлоқ хўжалик ходимлари Хоразм область касаба союзининг ёрлиқлари билан тақдирланди.

Хоразмлик полизкорлар ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар, ана шу тармоқни янада ривожлантириш йўлларини белгиладилар. Яқин икки-уч йил ичида халқ селекциячилари етиштирган қовуннинг 30 навини тиклаш ва яхшилашга қарор қилинди. Ихтисослаштирилган уруғчилик хўжалиги ва шу хўжалик негизида Ўзбекистон полиз экинлари ва картошка илмий-тадқиқот институтининг филиали ташкил қилинди.

ҚИЗИЛҚУМНИ КЕСИБ ЎТАДИ

ТЎРТКЎЛ (Қорақалпоғистон АССР). Қизилқумда 90 километр узунликдаги биринчи йирик зовур қурила бошланди. «Қорақалпакводстрой» трестининг гидромеханизаторлари зовурни қазишга киришдилар.

Қизилқум коллектори жуда катта Оқчақўл сувидан захкаш бўлиб қолган Беруний ва Тўрткўл районларининг далаларидан ўтади. Ирригаторлар бу кўл сувини чўлга оқизишга ва айни маҳалда катта яйловларни сув билан таъминлашга қарор қилдилар.

Зовур жадал усулда қазилмоқда. Бу зовурнинг трассаси Аму—Жанадарёнинг қадимий ўзанидан ўтади. Бир секундда 15 кубометргача шўр сувни оқизадиган бу коллектор яқин икки-уч йил ичида ишга туширилади.

ДАСТЛАБКИ БИР МИЛЛИОН

Республика колхоз ва совхозлари хандақларга дастлабки бир миллион тонна силос бостирдилар. Бу эса, мавсум топшириғининг учдан бир қисмини ташкил этади. Сирдарё ва Тошкент областларининг илғор хўжаликларида майдаланган кўкатга протеин қўшилди. Бу эритма комбайнларга ўрнатилган бочкалардан хандақларга тушади.

ҲАМЗА ХОТИРАСИ

Ўтган якшанба куни кечқурун минг-миглаб тошкентликлар Пушкин номли маданият боғининг кўмкўк хиёбонларига тўпландилар, «Ҳамза — революция қўйчиси» деган ва театрлаштирилган байрамда қатнашмоқ учун атоқли ўзбек совет ёзувчиси билан шахсан учрашган кишилар ҳам келдилар.

Очиқ эстрадада ҳозир бўлган кишилар мушоиранинг шоҳиди бўлдилар. Кинолекторийда эса, «Ҳамза» бадиий фильмини яратувчилар билан учрашув бўлиб ўтди. Бу фильм паркка тўпланган кишиларга кўрсатилди. Очиқ павильонда китобхонлар конференцияси, паркнинг марказий майдонида эса, бадиий ўқиш конкурси ўтказилди.

(ЎзТАГ).

ПЕШҚАДАМЛАР

Қоғоз комбинатининг 1-цехидамиз. Меҳнат авжида. Машиналарнинг овози тинимсиз гувиллайди. Бригадир Вера Барабашова касбдошлари ёнида нималарнидир уқтиради. У қирқлардан ошган, очиқ чеҳрали, ёқимтой аёл. Ўзини бахтли ҳис этаётганлиги табассум қўнган чеҳрасидан сезилиб турарди. Барабашова 1935 йили Тошкентга келган. Ёшлиги шу ерда ўтди. Комбинатга ишга киргани-да ёш қизда ҳали тажриба ҳам, билим ҳам йўқ эди. Аммо ғамхўр коллектив ёрдамида аста-секин касб ҳақида тасаввурга эга бўла борди. Мана, у 1945 йилдан бери бригадир. Аъзолари атиги етти киши. Ҳаммасининг меҳнатсеварлиги, аҳиллигини айтмайсизми!

1-цех коллективи, юбилей шарафига планга қўшимча 30 тон картон ва бошқа кўплаб қоғоз материаллари тайёрлаш учун курашяпти. Аҳил коллектив ойлик топшириқларни мунтазам 100—105 процентдан адо этаётир.

Барабашова бригадасининг социалистик мажбуриятни барвақт бажариш учун астойдил курашаётгани кишини айниқса қувонтиради. Ҳар бир ишчи ўз шахсий мажбуриятини ҳис этиб, меҳнат қилмоқда. Бригада юбилейга муносиб туҳфа тайёрлашга интилмоқда. Пландан ташқари камида тўққиз тонна маҳсулот тайёрлаш, кўплаб материал, электр энергиясини тежаб қолиш учун курашаётир.

— Бригадам билан ҳақли фахрланаман,—дейди Вера Максимовна,—аъзоларим орасида топшириқни бажармайдигани йўқ. Ҳаммасидан мамнунман.

Ҳа, Вера Максимовна ҳамиша хушнуд. У ишлаётган комбинат фақат республикамизга эмас, балки Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон ва Қирғизистонни ҳам қоғоз билан таъминлашга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Бу ерда йигирмадан ортиқ бригада «Октябрь 50 йиллигига номини олиш учун курашаяпти. Комбинатнинг Пензадаги «Маяк революции» қоғоз комбинати коллективи билан намунали беллашаётгани ҳар бир ишчида ижодий яратувчилик ғайратини жўш урдирмоқда, уларни янгидан-янги марраларга чорламоқда. Ана шуларнинг олдинги сафида камтар ва ишчан аёл Вера Барабашова бошқараётган бригада шаҳдам одим отиб бормоқда.

Н. ҚАЮМОВ.

ПЛАНИ АМАЛДА

50 ЙИЛЛИГИГА

Партия қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, социализм қурилишининг ленинча йўлини қатъиятлик билан оғишмай амалга оширди. Барча фронт бўйлаб социализмнинг умумий ҳужум шиори остида ўтган партиянинг XVI съезди колхоз қурилиши натижаларини ҳар томонлама кўриб чиқди ва ўнинг якунларини умумлаштирди. Съезд тўпланган тажрибага таяниб, ишлаб чиқариш кооперативини янада ривожлантириш, колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлашнинг конкрет программасини ишлаб чиқди.

Колхоз қурилиши масалалари партия комитетларининг диққат марказида бўлди. Коммунистлар деҳқонлар оммаси ўртасида ленинча кооперация планининг моҳиятини тушунтириш юзасидан оммавий иш олиб бордилар, бу билан колхозлар ҳузурида сиёсий бўлимларнинг тузилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Колхоз қурилишининг мустаҳкамланиши зарбдор колхозчиларнинг II Бутуниттифоқ съездида (1935 йил, февраль) қишлоқ хўжалиги артелининг тахминий уставини ишлаб чиқишга ёрдам берди. Устав коллектив хўжаликлар тузилишини, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва артель ишини бошқариш принципларини аниқ ва тушунарли қилиб белгилади. Унда қишлоқда йирик социалистик хўжалик ташкил этиш тажрибаси умумлаштирилди.

Шундай қилиб, меҳнаткашларнинг ташаббуси, партиянинг ташкилотчилик фаолияти, Марказий Комитет ва Совет ҳукуматининг қишлоқ хўжалигининг моддий базасини мустаҳкамлашга қаратилган чоралари шунга олиб келдики, биринчи беш йилликдаёқ меҳнаткаш деҳқонларнинг асосий оммаси коллектив хўжаликларга бирлашди. Иккинчи беш йилликда эса коллективлаштириш тугалланди. 1937 йилда колхозларга бирлашган деҳқон хўжаликлари 18,5 миллиондан ошиб кетди. Бу мамлакатдаги барча деҳқон хўжаликларининг 93 процентини ташкил этарди. **Бу қишлоқда социализмнинг қатъий ва узил-кесил ғалабаси эди.**

Коллективлаштириш ўлаб миллион деҳқонларнинг турмушини ва ишлаб чиқариш асосларини таг-томири билан ўзгартириб юборди. Ленинча кооператив планнинг амалга оширилиши совет халқининг социализм қуриш учун олиб борган курашида эришган улкан ғалабаларидан бири бўлди.

Колхоз тузумининг кўп йиллик тажрибаси унинг буюк ҳаётий кучини кўрсатди. Агар биринчи беш йиллик арафасида мамлакатимизда 25 миллион якка деҳқон хўжаликлари мавжуд бўлса, ҳозир СССР да 36,5 минг колхоз ва 12 мингдан ортиқ совхоз ишлаб турибди. 1966 йилда колхоз ва совхозлардаги барча қишлоқ хўжалик экинлари майдони деярли 207 миллион гектарни ташкил этди, чор Россиясида эса экинлар майдони 118,2 миллион гектар эди. Совет саноати қишлоқ хўжалигига қудратли техника берди. Масалан, 1966 йилда мамлакат далаларида 1 миллион 700 минг трактор ва 540 минг ғалла комбайни ишлади.

Улуғ Ватан уруши колхоз тузумининг ҳаётийлигига синов бўлди. Мамлакатдаги муҳим қишлоқ хўжалик районларининг душман томонидан вақтинча босиб олинганига қарамай социалистик қишлоқ хўжалиги армия ва аҳолини озиқ-овқат, саноатни хомашё билан тўхтовсиз таъминлаб турди.

Фашистлар билан бўлган урушда эришилган буюк ғалабадан сўнг совет халқининг бутун кучи халқ хўжалигини тиклаш ва янада ривожлантириш, социализм қурилишини тугаллаш ва аста-секин коммунизмга ўтишга сафарбар этилди.

ЮКСАК ВА ҚАТЪИЙ СУРЪАТ УЧУН

Партиямиз, унинг Марказий Комитети қишлоқда коммунистик ижтимоий муносабатларни шакллантиришни амалга оширишда ленинча кооперация планн ғояларига амал қилмоқдалар, уни янги шароитларга мослаб ижодий ривожлантиряптилар. КПСС Марказий Комитетининг март (1965 йил) Пленуми **қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кучларини юксалтиришнинг илмий асосланган кенг программасини ишлаб чиқди.** Партия XXIII съезди уни тўла маъқуллади.

Партия съездида қабул қилинган янги беш йиллик план Директиваларида қишлоқ хўжалигига алоҳида эътибор берилади. Чунки қудратли саноат қатори ҳар томонлама ривожланган ва кўп маҳсулот берадиган қишлоқ хўжалигини яратиш коммунизм қуришнинг зарур шартидир. Беш йиллик планда саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда реал, оқилона ва бир-бирига мос пропорциялар бўлиши лозимлиги алоҳида таъкидланади. Бу фақат иқтисодий эмас, айни вақтда сиёсий аҳамиятга ҳам эгадир, чунки улар шаҳар ва қишлоқ манфаатларини бир-бирига узвий боғлайди. Бундай пропорцияларнинг тўғри бўлиши икки дўст синф иттифоқининг янада мустаҳкамланишига, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги социал-иқтисодий ва маданий-маиший тафовутларнинг бартараф этилишига, колхоз-кооператив мулкини умумхалқ мулки билан яқинлашувига хизмат қилади.

Партиянинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг юксак ва қатъий суръатларига эришишга қаратилган йўли ана шу масалаларни ҳал қилишга хизмат қилади. Беш йиллик давомида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг йиллик ўртача ҳажмини аввалги беш йилликдагига қараганда 25 процент ошириш назарда тутилади. Ғалла етиштиришнинг йиллик ўртача миқдори эса 30 процент кўпаяди. Бундай юксалиш асосан ҳосилдорликни ошириш ҳисобига бўлади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, қишлоқда хўжалик қурилишига, шунингдек, қишлоқ хўжалиги учун етказиб берилаётган техникага тўлаш учун беш йиллик давомида жуда кўп маблағ — 71 миллиард сўм, шу жумладан фақат давлат ўйи билан 41 миллиард сўм ажратилади. Агар саноатда асосий ишлаб чиқариш фондлари беш йиллик давомида 1,6 баравар ошса, қишлоқ хўжалигида у деярли икки баравар ортади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаш, электрлаштириш ва химиялаштиришнинг мустаҳкам базаси асосида муттасил интенсивлаштириш, шунингдек иқлим шароитлари ноқулай зоналарда мелиорацияни кенг ривожлантириш — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кучларини юксалтиришнинг, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг бош йўлидир.

Шу мақсадда янги беш йилликнинг илмий асосланган аниқ тадбирлар белгиланган. Масалан, колхоз ва совхозлар ўтган беш йилдагига қараганда 700 минг кўп трактор, 680 минг кўп юк автомобиллари, 4 миллиард сўмлик кўп қишлоқ хўжалик машиналари оладилар. Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш анча кўпаяди. СССР да электр энергиясининг ялпи истеъмоли 70 процент ошса, қишлоқ хўжалигида у уч баравар кўпаяди. Бу қишлоқда меҳнатни электрлаштиришни икки баравар кўпайтириш имконини беради.

Партия XXIII съезди қарорларида, янги беш йиллик план Директиваларида барча совет кишилари, айниқса қишлоқ меҳнаткашлари турмушининг моддий ва маданий даражасини ошириш вазифаси ҳар томонлама асослаб берилган. Ҳозирги вақтда қишлоқларда маданий-маиший қурилиш кенг кўламда олиб бориляпти, мактаблар, болалар боғчалари, ясли-лари, касалхоналар, клублар, кутубхоналар, кинотеатрлар тармоги кенгаймоқда. Қишлоқ меҳнаткашларининг умумий билим ва маданий-техника даражалари ошмоқда. Ҳозирги вақтда қишлоқларда хўжаликларнинг тажрибали раҳбарлари, агрономлар, зоотехниклар, инженерлар, иқтисодчилар, бухгалтерлар ва бошқа мутахассислар кўп. 1965 йилнинг охирига келиб уларнинг сони 490 мингдан ортиқроқни, шу жумладан колхозларда эса 232 мингни ташкил этди. Бундан ташқари, механизаторларнинг кўп миллионли армияси бор.

1966 йил якунлари қишлоқ хўжалигини юксалтириш юзасидан партия Марказий Комитети март Пленуми белгилаган ва партия XXIII съезди маъқуллаган ҳамда ривожлантирган йўл ҳуда самарали эканлигини яққол кўрсатди. Ўтган йили Совет ҳокимиятининг бутун йилларидагига қараганда ғалладан энг юксак ҳосил олинди. Колхоз ва совхозлар давлат омборларига 75 миллион тоннага яқин ёки 4,5 миллиард пуд ғалла топширдилар. Деҳқонларга нисбатан партия сиёсатининг тўғрилиги, қишлоқ хўжалигига раҳбарликнинг яхшиланиши, давлат томонидан колхоз ва совхозларга берилаётган катта ёрдам, капитал маблағлар сарфлашнинг кўпайиши, техника ва ўғитлар етказиб беришнинг ортиши, деҳқонларнинг маҳсулот етиштиришни кўпайтиришдан манфаатдорлигини оширишга олиб келган ленинча модний манфаатдорлик принципининг жорий қилиниши — ғаллакорлар меҳнати ютуқларини таъминлаган асосий факторлар шулардан иборатдир.

Социалистик тузум совет деҳқончилигининг социал табиатини тубдан ўзгартирди. Ҳозирги деҳқон бу техникани яхши эгаллаган билимли кооператордир. Халқ фаровонлигини таъминлаш, омманинг маданиятини ошириш КПССнинг олий мақсадидир. Деҳқонлар партия раҳбарлигида ана шу мақсадларга эришиш йўлида катта ютуқларни қўлга киритдилар. Колхозларда меҳнатга ҳақ тўлашнинг социалистик принципи қўлланиляпти. 1966 йилдан колхозларда меҳнатга гарантияли пуллн ҳақ тўлаш, пенсия таъминоти жорий қилинди. Ҳозирги вақтда қишлоқларимиздаги юксак ижодий кўтаринкилик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришнинг асосий масалаларини муваффақиятли ҳал қилиш учун қулай шароитлар вужудга келтиради. «Колхоз тузумининг ғалабаси натижасида,— дейилади КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига тайёргарлик ҳақидаги қарорида,— қишлоқ турмушининг укладида социал ўзгариш вужудга келди. Колхозчиларнинг моддий манфаатдорлиги кўтарилди, қишлоқ меҳнаткашларининг сиёсий ва маданий савияси таққослаб бўлмас даражада ошди. Шонли колхозчи деҳқонлар, совхозлар ишчилари қишлоқ хўжалигини янада юксалтирмоқ, Ватанимиз бойлигини кўпайтирмоқ учун тинмай ғайрат сарфлаб меҳнат қилмоқдалар».

* * *

Ленининг кооперация плани жуда катта халқаро аҳамиятга эга бўлди. Конкрет шароитларга ижодий мослаштирилаётган бу план социалистик мамлакатларда қишлоқ хўжалигини коллектив асослар да қайта қуришнинг асосий усули бўлиб қолди. Демак, ленинча, кооперация плани бошқа мамлакатлар деҳқонлари ҳам социализмга томон борадиган йўлдир.

Тажриба шуни кўрсатдики, фақатгина социализм деҳқонларни хонавайронлик, очлик ва ижтимоий дегретациядан халос қилишга қодирдир. Қишлоқдаги социалистик тузум совет деҳқончилигининг энг катта ғалабасидир. Шунинг учун ҳам деҳқонларимиз уни ардоқлашади ва бу ғалабани ҳар томонлама кўпайтиришга интиладилар.

П. АЛЕКСАНДРОВ,
профессор.

192 КВАРТИРА ТАЙЁР

Тошкентни қайта тиклаш юзасидан бошланган умумхалқ курашига бизнинг бинокорларимиз ҳам ҳисса қўшмоқдалар. Қатор уй-жойлар бунёд этаяпмиз. Бугунги байрам арафасида Чилонзорнинг Г-9 кварталида яна бир 96 квартирали уй қаддини ростлади. Бундан олдин эса худди шунча квартираси бўлган кўпқаватли бино тошкентликларни қабул қилишга тахт қилиб қўйилган эди. Бинокорларимиз қурган бу икки уйда 192 оила истиқомат қилади.

Қурувчиларимиздан Галина Журавлева, Зинаида Степанова, Юрий Камшу, Валентина Хазова ва бошқалар ғайрат кўрсатиб ишлашяпти. Улар норманн бир ярим бараварга етказиб адо этмоқдалар.

Ҳали олдимизда катта вазифалар турибди. Тошкентликлар учун янги-янги уйлар қуриб бериш ниятимиз бор. Ҳаммасининг мақсади ана шу турар-жойларни тезроқ қўлдан чиқаришга қаратилган.

Х. ҚОЗИЕВ,
«Ашхабадстрой»нинг сувоқчиси.

КУН ТАРТИБИДА КАДРЛАР МАСАЛАСИ

Яқинда Оржоникидзе район партия комитетининг VIII пленуми бўлиб ўтди. Пленумда «Кадрлар танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш» масаласи муҳокама қилинди. Бу ҳақда район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. Қирғизбоев доклад қилди.

Пленумда райондаги колхозларнинг раислари, совхоз директорлари, партия ташкилотларининг секретарлари, илғор пахтакорлар, сабзавоткорлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари қатнашдилар.

Пленум ишида область партия комитетининг иккинчи секретари А. С. Пономарев иштирок этди.

БУГУН



ОКТЯБРЬ



МАССИВИДА



Маълумки, Тошкентда рўй берган табиий офат — зилзиладан сўнг минглаб шаҳар марказида яшовчи оилалар Калинин районидаги «Октябрь» колхозига кўчиб чиқишган эди. Бу ерда янка тартибда уй-жой қурилиши тез суръатларда олиб борилди. Уй қурувчиларга ҳукуматимиз томонидан амалий ёрдам кўрсатилди. Қисқа вақт ичида колхоз ерида минглаб турар-жой бинолари қад кўтарди. Янги массив ташкил топди.

«Октябрь» массиви тобора ободонлашиб, кўркамлашиб бормоқда. Аҳолига маданий -маиший хизмат кўрсатиш яхшиланмоқда. 25 та озиқ-овқат ва саноат моллари магазинлари, ошхоналар, шифохона ишлаб турибди. Янги мактаблар, болалар боғчаси, аҳолига хизмат кўрсатиш пунктлари қурилиб бирин-кетин фойдаланишга топширилаяпти.

Бу суратларда массив қурилишларидан намуналар келтирилган. Юқоридаги суратда яқинда ишга тушириляган озиқ-овқат 102 магазини. Ўртадаги суратда кўни-кеча очилган саноат моллари магазинининг кўриб турибсиз. Келаси йилдан бошлаб «Октябрь» массивига трамвай ҳам юра бошлайди (пастдаги суратда). Ҳозир эса трамвай изи қурилиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

А. Абалян фотолари.

Янги шеърлар

ҚАРДОШЛАРИМИЗ ШЪЕРИЯТИДАН

Ҳўжамурод ТУРУМБЕТОВ

БУЛБУЛ

Мен булоқ эмасман — инсонман фақат,
Булоқдай жўшувчи қалбим бор холос.
Дўстлар, қилолмайман ҳеч қачон тоқат,
Агар ташлаб кетса мени эҳтирос.
Йўқ, ташлаб кетмайди мени эҳтирос,
Чунки, халқим билан оламан нафас.
Юрак хислатим ҳам шу халқимга мос,
Демак, илҳом доим менга ҳамнафас!
Ямашил адрлар, мармартош тоғлар,
Баҳмалдай ўтлоқлар, Аму меники.
Ғарқ пишган асал там мевазор боғлар,
Роҳатбахш булоқлар мангу меники...
Кенжа шоирман қорақалпоқнинг,
Поёнсиз боғларн яшнайди гул-гул.
Дилдаги гориман ҳар бир ўртоқнинг,
Менман шу чаманда сайраган булбул!
Сайрайман Бердақнинг рубоби билан.
Сайрайман, дўстларим, тинмай ҳар қачон,
Сайрайман Октябрь офтоби билан!

АДАШГАН СЕВГИ

Мен эмас, ўзингку қўлимдан ушлаб,
«Сени севаман» деб ишқ изҳор этган,
Сўнг, ўзинг бошлаган сўқмоқни ташлаб,
Бошқа, сирли йўлни ихтиёр этган.
Қайда бўлдингу ва қайда кездинг,
Мен учун номаълум, менга қоронғу.
Лекин ўша чоғлар юракни эздинг,
Илтижолар қилдим: қолгин деб мангу.
Қолмадинг...
Ва лекин қайтибсан букун,
Талай йиллар ўтгач, ёнимга яна.
Қаршимда турасан, юзларинг сўлгин,
Ором бермоқ бўлиб жонимга яна.
Қўй, жоним, бир карра алданди юрак,
Энди осонликча тушмас тузоққа.
Менга қуруқ гапмас, чин севги керак,
Бу дўстлик чўзилсин десанг узоққа.

ҚОҒОЗ ГУЛ...

Не учун, жонона, қоқдинг қошингни?
Нега юрагимни овламоқ бўлдинг?
Нега айлантириб менинг бошимни,
Илинтириб олиб товламоқ бўлдинг?
Ёки уқмадимми ишоларингни?
Сирли қарашингда муҳаббат борми?
Зап тақиб олибсан тиллоларингни,
Сен ўша, мен севган қўзи хуморми?
Ўтанга ўхшайсан, худди ўшасан,
Анча ўзгарибсан, чеккансан мушкул.
Энди ишқ боғида бекор жўшасан,
Чунки бўй таратмас ҳеч вақт қоғоз гул!

Қорақалпоқчадан Мавлон ИКРОМ таржималари.

САЛОМАТЛИК ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА

ВРАЧ МАСЛАҲАТИ

Касалхонага бир беморни олиб келишди. Унинг дарди анча оғир эди. Дарҳол медицина ёрдами кўрсатилди. Бемор ўзини яхши ҳис қила бошлади. Бир-икки кун ўтгач, у дард кўрмагандек бўлиб соғайиб кетди.

Биз беморнинг касали билан атрофлича танишиб чиқдик. Маълум бўлишича, у бузилган овқатдан заҳарланган экан.

Ўша бемор қариндошларининг бириникига тўйга боради. Тўйда норин тортилган. Лекин, таом икки кун олдин тайёрланган бўлиб, иссиқ ҳавода очиқ ҳолда сақланибди. Бунинг устига гўшт тўғралган пичоқлар ҳам, тахталар ҳам қайноқ сув билан ювилмаган. Натижада тайёрланган норин бузилган.

Озиқ-овқатларнинг бузилиши асосан санитария-гигиена қоидаларига тўла риоя қилмаслик натижасида содир бўлади. Гўшт, балиқ, сут, шунингдек пиширилган таомлар иссиқ шароитда очиқ ҳолда сақланса, ҳар хил микроблар таъсирида бузилади. Санитария-гигиена қоидаларига тўла риоя қилинмаган ҳолда тайёрланган таомлар кишини ҳатто заҳарланишга олиб келади.

Хўш, овқатдан заҳарланганда беморда қандай касаллик аломатлари содир бўлади? Одатда, касаллик овқатлангандан бир неча соат ўтгач, тўсатдан бошланади. Беморнинг аъзойи-бадани увишиб, ҳарорати кўтарилади. Боши оғрийди, дармонсизланади.

Овқатдан заҳарланишнинг энг асосий белгилари қусиш ва ич кетишдир. Агар ботулинус деган микроб билан зарарланган овқат истеъмол этилса, нерв томирлари заҳарланади. Бунда кўз хираланади, овқат ютиш қийинлашади. Бемор, ҳатто қайта-қайта қусиши мумкин.

Беморда ана шундай касаллик аломатлари пайдо бўлиши биланоқ врачга мурожаат қилиш лозим. Врач келгунча беморни иссиқ ва тинч шароитда сақлаш, шу билан бирга унинг ошқозонини ювиш даркор. Бунинг учун беморга илиқ сув ичирилади. Шу билан бир қаторда тувли сурги дорилари бериш керак. Бемор фақат иссиқ чой ичиши лозим.

Озиқ-овқатларни бузилишдан сақлаш учун умумий овқатланиш муассасаларида, тўй-томошаларда, ҳар бир ҳолатдонда озодаликка тўла риоя қилиш шарт. Тез бузилувчи озиқ-овқатларни холодильникларда ёки озода ва салқин жойларда сақлашни унутмаслик зарур.

Иссиқ кунларда тайёрланган таомлар пиширилгандан кейин бир-икки соат орасида истеъмол этилса ёмон бўлмайди. Агар қолса, уни фақат холодильникларда ёки махсус идишларда сақланг.

Озодаликка тўла риоя этсак, озиқ-овқатларни холодильникларда ёки тоза сирланган идишларда сақласак, идиштовоқларни қайноқ сув билан ювиб офтобда қуритсак овқатлардан заҳарланишнинг олдини олган бўламиз.

Э. ЮСУПОВ,
Республика санитария маорифи уйининг бош врачи.

ШУБАТ—ТУЯ СУТИ

Ғарбий ва Жанубий Қозоғистонда яшовчилар шубат ичимлигини туя сутидан махсус усул билан тайёрлайдилар. Ҳадемай республикадаги бир неча сут заводларида шубат тайёрлана бошланади. Хомашё — туя сути олиш учун бир қанча янги ихтисослаштирилган туячилик фермалари вужудга келтирилади. Бу фермалар туя жунн ҳам етказиб беради.

Бу йил республика корхоналари биринчи марта қозоқларнинг сутдан ишланадиган яна бошқа янки хил миллий маҳсулоти — қурт ва иремчин ҳам тайёрлай бошладилар. Бу маҳсулотлар қадим замонлардан бизгача етиб келган бўлиб, халқ рецептн асосида тайёрланади. Улар юқори калорийлиги ва ўзига хос таъми билан ажралиб туради. Нимтатир ширинроқ иремчикда 30 процентгача ёғ бўлади, шўртангроқ қуртда эса ёғ 12 процентдан ошмайди. Қуртнинг баъзи навларида ёғ бутунлай бўлмайди.

ДЕҲҚОН

Она боласини ардоқлагандек,
Деҳқон уйқусин маззасин сурмай,
Боқар виҳолига азиз онадек,
Ҳатто шамолни унга раво кўрмай
Уфқдан кун ёғду сочмасдан майин,
Ғунчалар тонгда жилва қилмасдан,
Авайлаб қарайди ҳар шона, гулни,
Тек турмас гўза ҳолни билмасдан.
Мириқиб ишлар ҳар кунн янгилик излар,
Бағишлар илҳини, қалб ҳароратини.
Ҳосилга-ҳосил қўшишни кўзлар,
Ҳосилга бағишлар маҳоратини.
Ям-яшил эгатлар, ҳар бир туп кўчат
Гуркираб туради меҳнат куйидан.
Деҳқонни табриклар дуркин кўчатлар
Меҳрини кўради ҳосил туридан.

Музаффар ҚОБИЛОВ, агроном.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.55 — Эшиттиришлар программаси. 18.00 — Телеэнгилликлар. 18.20 — Қизил галстук. Телевизион журнал. 19.00 — Футбол. «ШАХТЕР» (Донецк) — «ПАХТАКОР» (Тошкент). Танаффус вақтида телевизион янгиликлар.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.45 — Фаннинг революцион маршн. 21.00 — Телеэнгилликлар. 21.20 — Сенга, ёшлик. 22.00 — Интервидение. Москвада Эстония ССР ҳафталиги. Концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 17.55 — Эшиттиришлар программаси. 18.00 — Биринчи саёқат. Кўғирчоқ телефильм. 18.20 — Китоб — кичкинтойларга. 18.40 — Тоғли мамлакатларга визит. Литва мебели. (кинофильм). 19.10 — Телеэнгилликлар. 19.25 — Белорус куйларидан концерт (қурувчилар учун).

Ўзбек тилида: 20.00 — Телеэнгилликлар. 20.15 — Румин халқининг миллий байрами. 20.35 — Жаҳон халқлари концерти. 21.20 — Ўлмас гарнизон (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.55 — Эшиттиришлар программаси. 18.00 — Мушукча саргузаштлари. (кўғирчоқ фильм). 18.30 — Болгария билан учрашув (ҳужжатли фильм). 18.50 — Невадаги қалъа (телефильм). 19.50 — Днепр юлдузлари. Концерт. 21.05 — Илк севги. кўшиқлари (бадиий фильм).

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/VIII да Ноднра, 24/VIII да Ғавҳари шамчироқ.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Византиялик савдогар хазинаси — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ». НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Катта шаҳар — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Ёввойи асал — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Сибирь ерлари ҳақида қисса — НАВОИЙ номли (кеч соат 6.20 минутда ва 10 да).

ЁЗГИ БИНОДА

Византиялик савдогар хазинаси — «ХИВА», НАВОИЙ номли.

Ганга ва Жамна — «РАКЕТА».

Катта шаҳар — ТЕЛЬМАН номли.

Симладаги муҳаббат — «ВАТАН».

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

23 август кеч соат 7 да СССР биринчилиги учун «Шахтёр» (Донецк) — «Пахтакор» (Тошкент) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

А. С. ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

24, 25, 26 августда Республика конкурсига қатнашувчилар иштирокида

КАТТА АСКИЯ ВА КОНЦЕРТ КЕЧАЛАРИ УТКАЗИЛАДИ

Кеч соат 8.30 да бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

«УЗЭНЕРГОСБИТ»

электрдан фойдаланганлиги учун счёт ёзиш ўзларига топширилган кишиларга таклиф қиладики,

электр учун

ҳар ойнинг 1 чунидан 11 кунигача счёт ёзиб, тегишли пулни Госбанкнинг кирим омонат кассаларига тўлашсин.

Утган вақт учун қарзлари бўлган абонентлар уни дарҳол тўлашлари лозим.

Счётлар ўз вақтида тўланмаса, электр ток қилинмасдан узиб қўйилади.

ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ ТРАНСПОРТ БОШҚАРМАСИНИНГ 9-АВТОБАЗАСИГА

дизелист-шоферлар, автослесарлар, вулканизаторчилар, форсунчилар, газ-электр пайвандчилари

КЕРАК

Елғиз кишилар ётоқхона билан, оилалилар бир йил ичида уй билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Бектемир посёлкаси (7 автобусининг «Қўйлиқ», 17 автобусининг «Автобаза» тўхташ жойи).

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

РУМИНИЯНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ

Ҳар йили 23 августни румин халқи тантанали равишда нишонлайди. Бундан 23 йил муқаддам Руминия фашист босқинчиларидан озод этилди. Мамлакатда янги турмуш — социализм қуриш учун кенг йўл очилди.

Руминия илгари иқтисодий жиҳатдан қолоқ, аграр мамлакат эди. Халқ ҳокимияти йилларида ишлаб чиқариш кучларини социалистик асосда тез суръатлар билан ривожлантириш натижасида, бу ўлка саноати ва қишлоқ хўжалиги ривожланган республикага айланди ва Европадаги илғор мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллади.

Социализм қуриш даврида румин халқи халқ хўжалигини планли равишда ривожлантириб, бешийлик режаларини муваффақиятли равишда амалга оширди. Буннинг натижасида мамлакат социалистик асосда индустрлаштирилди.

Ҳозирги вақтда Руминияда урушдан олдинги даражага нисбатан саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиш ўн баравардан юқорок ўсди. Моддий ишлаб чиқаришда саноатнинг салмоги ортиб бормоқда. Саноатнинг асосий тармоқлари, айниқса электр қуввати, қора металлургия, машинасозлик химия ва бошқа турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш тез суръатлар билан ўсмоқда. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръатларининг юқорилиги жиҳатидан Руминия Социалистик Республикаси Европада олдинги ўринлардан бирини эгаллаб турибди. 1966 йилда жами ижтимоий маҳсулот 1965 йилга нисбатан 8,9 процент, миллий даромад эса 7,9 процент ўсди. Саноат маҳсулотининг ҳажми эса 11,5 процент кўпайди.

Мамлакатда сўнгги ўн йиллар ичида бир неча юзлаб саноат корхоналари қурилиб, ишга туширилди. Буннинг ярми—350 га яқин завод ва фабрика мамлакатнинг кам ривожланган, қолоқ районларида бунёдга келтирилди. Руминияда ҳозирги замон йирик саноат корхоналари бар. по қилинмоқда. Бухарест ва Крайовадаги ГЭС, Галац шаҳридаги металлургия комбинати, Бразь ва Плоештидаги нефтни қайта ишловчи корхоналар шулар жумласидандир. Социалистик қурилиш натижасида мамлакатда Г. Георгиу-Деж, Нэводарь, Винтория, Уриикан каби янги шаҳарлар пайдо бўлди.

Руминия қишлоқларида ҳам катта социал қайта қуришлар амалга оширилди. 1962 йилдаёқ мамлакатда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш тугалланган эди. Ғалла, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўпаймоқда. 1966 йилда румин деҳқонлари ғалладан рекорд ҳосил—13,8 миллион тонна дон олдилар. Қишлоқ хўжалигининг моддий базаси тубдан ўзгарди. 1966 йилда Руминия далаларида 90 мингдан ортиқ трактор, 43 мингга яқин ғалла комбайнлари ва жуда кўплаб бошқа кишлоқ хўжалик машиналари ишлаб турди.

Халқ ҳокимияти йилларида меҳнаткашларнинг турмуш даражасини яхшилаш, маданиятини ошириш соҳасида ҳам катта ишлар қилинди. Меҳнаткашларнинг реал даромадлари йилдан-йилга тез суръатлар билан ўсмоқда. 1966 йилда у 5,7 процент кўпайди.

Мамлакатда аҳолини пенсия билан таъминлаш соҳасида янги қонун қабул қилинган бўлиб, бу қонунга мувофиқ пенсияларнинг миқдорини ўртача 27 процент кўпайтириш кўзда тутилади. Шу йилнинг январь ойидан бошлаб деҳқон-кооператорлар ҳам қарилик пенсияси олабошладилар. Ҳозирги вақтда пенсиялар ҳамма меҳнаткашлар учун бериладиган бўлди.

Меҳнаткашларни уй-жой билан таъминлаш ишлари ҳам кенг кўламда олиб борилмоқда. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида давлат томонидан эллик мингдан ортиқ квартира қурилди. Маориф, медицина, фан, маданият хизматидан меҳнаткашлар оммаси кенг баҳраманд бўлмоқда. Ҳозирги вақтда ўқишнинг турли хиллари бўйича 3,6 миллиондан ортиқ киши таълим олмоқда. Олий ўқув юртларида эса 134 мингга яқин студент ўқиляпти.

Руминия меҳнаткашлари 1965 йилда бўлиб ўтган Руминия Коммунистин партиясн IX съезди томонидан кўйилган улуғвор вазифа—янги беш йиллик планни ортиғи билан бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Янги беш йиллик планнинг бажарилиши мамлакат экономикасини, маданиятини янада ривожлантиришда, социализм мудофаасиятларини мустаҳкамлашда олга қараб ташланган катта қадам бўлади.

Руминия ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг аъзоси бўлиб, халқаро социалистик меҳнат тақсимотида муносиб ўрин тутади. У Варшава Шартномасининг қатнашчисидир.

Руминия Халқ Республикаси ташқи сиёсатда социалистик мамлакатлар билан дўстлик, ўзаро ёрдам, ҳамкорлик, социал тузумлари турлича бўлган мамлакатлар билан тинч-тотув яшаш сиёсатини ўтказиб келмоқда.

Уз мамлакатида социализм қураётган Руминия меҳнаткашларига миллий байрам кунида катта муваффақиятлар тилаймиз.

Ю. ЙЎЛДОШЕВ.

ИЗМИРДА ХАЛҚАРО ЯРМАРКА

ИЗМИР, 21 август. (ТАСС). Туркия бош министри Сулаймон Демирел кеча Измирдаги 36-халқаро ярмаркани очди. Бу йил ярмаркада жуда кўп мамлакат — 52 мамлакат қатнашмоқда. Ярмарканинг Совет Иттифоқи, Болгария, Венгрия, Чехословакия, АҚШ, Германия Федератив Республикаси, Англия каби традицион қатнашчилари билан бир қаторда бу йил ярмаркада Кения, Гвинея, Нигерия, Чили, Тунис, Уругвай, Венесуэла ва бошқа мамлакатлар ҳам биринчи марта иштирок қилмоқдалар. Ярмаркада жами уч мингдан ортиқ чет эл ва маҳаллий фирмалар қатнашмоқда.

Совет павильонига асосан СССР Туркияга сотаётган ёки турк харидорларини қизиқтира оладиган товарлар қўйилди.

Ўзбекистон павильони экспозициясига келувчиларнинг эътиборини кўпроқ жалб этмоқда. Ўзбекистон бу йил ярмаркада биринчи марта қатнашаётир. Ярмаркага келувчилар Совет Ўзбекистонининг экспонатлари — енгил саноат, асбобсозлик, станоксозлик саноати буюмлари билан қизиқиб танишмоқдалар. Тошкентдаги тўқимачилик машинасозлиги заводида танёрланган «ПК—100» подир йигириш станоги мутахассисларга жуда манзур бўлди. Бу станок илгари тўрт хил станокда бажарилган тўрт операцияни бир вақтда ижро этади.

КОММУНИСТИК МАТБУОТ ФОНДИГА

РИМ, 21 август. (ТАСС). Коммунистик матбуот фондига маблағ тўплаш юзасидан мамлакатда олиб борилаётган кампания вақтида шу йилнинг бошидан ҳозиргача миллиард лирадан ортиқ маблағ тўпланди. Халқ оммаси коммунистик матбуотни тобора кенг қўламда қувватламоқда.

Эмилия—Романя областида коммунистик матбуотни қўллаб-қувватлашга бағишлаб минг мартадан ортиқ намойиш ўтказилди. Бу область коммунистик матбуот фондига маблағ тўплаш соҳасида биринчи ўринда турибди.

ИЖОБИЙ ҚАРОРЛАР

ҚОҲИРА, 21 август. (ТАСС). МЕН агентлигининг мухбири Бағдоддан хабар беради: араб мамлакатлари экономика, молия ва нефть министрларининг кенгаши ўз ишини тамомлади. Олти кунлик кенгаш тамом бўлгач, Ироқ пойтахтида матбуотда эълон қилиш учун берилган баёнотда таъкидлаб айтилдики, кенгаш қатнашчилари «араб мамлакатларига қарши империалистик агрессия оқибатларини тугатиш учун самарали чоралар кўриш юзасидан ишлаб чиқилган ижобий тавсияларни» яқдиллик билан маъқулладилар. Бу тавсиялар, дейилади баёнотда, араб мамлакатлари ташқи ишлар министрларининг шу йил 26 августда Хартумда очиладиган конференцияси муҳокамасига тақдим этилади.

Ҳамма муҳокамалар ва учрашувлар, деб таъкидланади баёнотда, «масъулият ва араблар бирдамлиги» руҳида ўтди.

ХХР ЭЛЧИХОНАСИГА НОТА

СССР Ташқи ишлар министрлиги 20 августда Хитой Халқ Республикасининг Москвадаги элчихонасига қуйидаги мазмунда нота юборди:

«Кейинги вақтларда Хитой маъмурлари халқаро ҳуқуқнинг ҳамма эътироф этган нормаларига ҳамда савдо-сотиқ ва денгиз қатнови соҳасидаги мавжуд Совет—Хитой битимларига зиддн равишда Дальний портида Совет савдо кемаларига ва уларнинг экипажларига нисбатан ўзбошимчалик ва қонунсизлик ҳаракатлари қилмоқдалар.

1966 йил декабрида улар ивгороларо важ билан Совет «Загорск» теплоходини қонунга зидлоф равишда 20 сутка мобайнида ушлаб турдилар; порт маъмурлари кемадаги ҳужжатларни босқинчилик қилиб тортиб олишга, кема капитани ва экипаж аъзоларини дўқ-пўписа методлари билан ўзларининг қилмаган гуноҳлари учун ўзларини айбдор деб иқрор бўлишга мажбур қилмоқчи бўлдилар.

Шу йил август ойида совет «Свирск» теплоходига ва унинг экипажига нисбатан Хитой маъмурлари уюштирган ивговарлик қонунсизликнинг янги қўпол ҳаракати бўлди. Совет ҳукумати ана шу ивговарлик муносабати билан қатъий норозилик билдирди.

Яна шу Дальний портида Хитой маъмурлари қасддан шундай шароит ҳозирлаб қўйдиларки, буининг натижасида Совет «Камчатск—лесс» теплоходлари портга кириш ва юк ортишга киришиш имконниятига эга бўлмади. оқибатда шу кемалар шу йил 15 августда Дальнийдан бўш чиқиб кетишга мажбур бўлди.

Совет кемаларига ва уларнинг экипажларига нисбатан Дальний портида Хитой маъмурлари қилган ана шу ҳаракатларнинг ҳаммасини Хитой Халқ Республикасида Совет—Хитой муносабатларини янада чигаллаштириш мақсадида Советларга қарши олиб борилаётган кампаниянинг таркибий қисмидан бошқа нарса эмас, деб ҳисоблашдан бўлак илож йўқ ҳамда шу ҳаракатлар СССР билан ХХР ўртасида савдо-сотиқ ва денгиз қатнови соҳасидаги мавжуд битимларнинг бажарилишини шубҳа остида қолдиради. Бу ҳаракатлар савдо кемаларининг қатновига ҳавф солади, чунки бундай гайри нормал шароитда совет кемалари Дальний портига кириш имкониятидан маҳрум қилиб қўйилади.

Совет ҳукумати Хитой Халқ Республикаси ҳукумати келгусида совет кемаларига нисбатан Хитой маъмурларининг бундай йўл қўйиб бўлмайдиган ҳаракатлар қилишини истисно қилувчи самарали чоралар кўради ва Дальний портида совет кемаларининг транспорт-коммерция операцияларини амалга ошириши учун нормал шароитлари гарантиялаб беради, деб кутади.

НЕГРЛАР ҒАЛАЁНИ

НЬЮ-ПОРК, 21 август. (ТАСС). Комендантлик соати жорий этилганига қарамай, Американинг Нью-Хейвен деган шаҳарчасида (Коннектикут штати) негрларнинг ғалаёнлари икки тундан бери давом этмоқда. 100 дан ортиқ киши қамоққа олинди.

Қуролли полицячилар тушган ўнлаб автомашиналар шаҳар -кўчаларида соқчилик қилиб юрибди. Миллий гвардия қўшинлари шаҳар яқинига келтирилиб, жанговар шай қилиб қўйилган. Кеча кечқурундан бери шаҳарда фавқулодда ҳолат жорий этилди.

ҚУДДУСДА ЗАБАСТОВКА

ПАРИЖ. 21 август. (ТАСС). Иордания ва Бирлашган Араб Республикасининг Исроил окку пация қилиб олган территорияларидаги араб аҳолисининг кураши кучайиб ва кенгайиб бормоқда. Кеча Синай ярим оролидаги Аларида деган жойда яллн забастовка бошланиб, оммавий намойишлар ўтказилган бўлса, бугун Қуддуснинг араб аҳолиси курашга отланди. Франс Пресс агентлиги мухбирининг шу шаҳардан хабар беришига қараганда, арабларга қарашли магазинлар ва дўконлар бугун чоштоҳгача мутлақо очилгани йўқ. Бу забастовка Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош секретари У Таннинг шахсий вакили Эрнст Тельман бугун шу шаҳарга келиб уни Исроил маъмурлари зўрлик билан ўзига қўшиб олгандан кейин Қуддусда рўй берган аҳвол билан танишмоқчи бўлган куига тўғри келди. Забастовкадан кузатилган мақсад, деб таъкидлайди мухбир, Қуддусдаги арабларн сектори аҳолисининг Исроил маъмурияти кўраётган экспанциячилик чораларига қарши норозилигини намойиш қилиб кўрсатишдир. Окупациячи маъмурлар забастовкани тугатиш юзасидан «энг қаттиқ чоралар» кўришмоқчи эканлиги ҳам шу хабарда кўрсатиб ўтилган.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана областного Совета депутатов трудящихся.

Наш адрес: Ташкент, Площадь Востока, 26 ўй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 835212. Редактор ўринбосарлари — 835885 831232. Масъул секретарь — 834808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 831936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 833786. Партия турмуши. Ахборот ва спорт бўлимлари — 835811. Қишлоқ хўжалиги, фан, маиатаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 839050 хатлар ва оммавий ишлар бўлими 834048. Совет қурилиши, маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — 838761, эълонлар бўлими — 838142. Коммутатор — 830249 дан 830258 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 04471. Индекс 64970 А. 1729.